Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 21 (880) ● 2012 йил, 25 май, жума

Тарих сабоқларини унутмайлик

Муносабат

Инсоний ят ҳар бир асрга янги орзу-умидлар билан қадам қўяди. Бундан атиги ўн икки йил аввал ҳам шундай бўлган эди. Иккита жаҳон уруши, мислсиз қатағон, мафкуравий тазйиқ, диний эътиқод учун жазолаш, мулк ва мулкдорларга, тадбиркор ва ишбилармонларга қарши кураш, ўтмишнинг сохталаштирилиши, халқнинг миллий-маънавий ildизларини, айниқса, тарихий хотирасини заифлаштириш каби ғайриинсоний ҳаракатлар боис, йигирманчи асрнинг кўп саҳифалари қора бўёқларга бўялди. Шу боисдан ҳам, одамзод янги асрда бу каби иллатлардан холи бўлишни, йигирма биринчи юз йиллик ўзаро аҳил-иноқлик, бунёдкорлик ва фаровонлик, ҳамкорлик ва бағрикенглик асри бўлишини орзу қилди. Аммо биргина орзу қилиш билан иш битмас экан. Ҳаёт суръатининг тезлашуви, ахборот оламининг глобаллашуви шароитида, таассуфки, ижобий ҳолатлар билан бирга, янги умумдунёвий, умуминсоний муаммолар ҳам келиб чиқди.

Турли минтақаларда ўзи учун мос вазиятни юзага келтириш, ерости ва ерусти бойликлари тасарруфини, халқаро иқтисодий алоқаларни, савдо-сотиқни назоратга олиш ривожланган йирик давлатлар учун бирламчи вазифага, мақсад-муддаога айланди. Бу ҳам етмаганидек, ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, улар дунёқарашини ўз манфаатларига мос равишда шакллантириш, ўзга турмуш тарзи, ўзга қадриятларни ошкора-пинҳона йўллар билан бошқа халқлар ҳаётига, уларнинг онги ва турмуш тарзига сингдириш ҳаракатлари бошланди. Бу ҳаракатлардан кўзда тутилган мақсадни англаш қийин эмас — миллий туйғулари сустлашган, ўзлигини тўла англаб етмаган ёшларни, мисоли ёш ниҳолдай, "зарур" тарафга қараб оғдириш мумкин.

Бундай шароитда ўсиб келаётган ёш авлодни турли зарарли оқимлар, бузғунчи мафкуралар таъсиридан сақлаш, миллатимизнинг эртаси бўлган азиз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Бу вазифанинг мураккаблиги шундаки, дунё миқёсида тобора мураккаблашиб бораётган мафкуравий кураш жараёнларини ҳар жиҳатдан таҳлил қилиш, бундай жараёнга доир хуруж ва ҳаракатларнинг моҳиятини тушуниш, кимга ва нимага қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига, хусусан, ёшларга қандай йўллар билан таъсир ўтказиши мумкинлигини ўрганиш зарур бўлади.

Давоми 2-бетда ➤

Мусобақалар қизғин давом этмоқда

Навоий шаҳрида давом этаётган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари финал босқичида енгил атлетика ва сузиш бўйича дастлабки медаллар соҳиблари маълум бўлди.

"Ёшлар" спорт мажмуасида ўтказилаётган енгил атлетика беллашувларида ўсмирлар ва қизлар турли масофаларга югуриш, уч ҳатлаб сакраш, баландликка сакраш, аралаш эстафета бўйича ўзаро рақобатлашишди. Ўсмирлар ўртасида уч ҳатлаб сакраш бўйича энг яхши натижани қайд этган пойтахтлик Темур Хуснулин, баландликка сакрашда сирдарёлик Руслан Курмаев, турли масофаларга югуришда самарқандлик Голиб Тоҳиржонов, навоийлик Шоҳруҳмирзо Мухторов, андижонлик Анвар Сафаров шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қизлар ўртасидаги уч ҳатлаб сакраш ва баландликка сакраш баҳслари тошкентлик Ирина Белова ҳамда Тошкент вилояти вакиласи Анна Тян ғалабаси билан якунланди. Югуришда эса наманганлик Дилноза Раҳмонова, самарқандлик Маржона Оққўзиева, пойтахтлик Лилия Манасипова, жиззахлик Лидия Петрова, сирдарёлик Наиля Ҳазратқулова "Умид ниҳоллари — 2012" мусобақаси ғолиби бўлди.

Аралаш эстафетада олтин медаль Навоий вилояти терма жамоасига насиб этган бўлса, Тошкент ва Хоразм вилоятлари енгил атлетикачилари кучли учликдан жой эгаллади.

— Мен вилоятимиз терма жамоаси ҳисобига олтин медаль қўшганимдан жуда хурсандман, — дейди "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари ғолибаси наманганлик Дилноза Раҳмонова. — Мусобақалар юқори савияда, кескин кураш руҳида ўтмоқда. Бу ерда кўплаб дўстлар орттирмоқдамиз. Мактаб ўқувчиларининг ушбу йирик спорт анжумани биз, ёшлар учун спорт чўққиларини забт этишимизда ўзига хос парвоз майдони бўлиб хизмат қилади. Келажакда "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинларида ҳам қатнашиш орзусидаман.

"Дельфин" сув ҳавзасидаги сузиш баҳслари ҳам рекордларга бой бўлди. Айниқса, Тошкент шаҳри, Навоий ва Андижон вилоятлари спортчилари юқори натижалар қайд этди. Турли масофаларга ҳар хил усулда сузиш бўйича ўтган беллашувларда пойтахтлик Артём Пухнатий, Ксения Фомичёва, навоийлик Алёна Васильева, Баҳодир Эгамов, андижонлик Рената Тухсинова маррага биринчи бўлиб етиб келди.

— Беллашувлар қизғин давом этмоқда, — дейди сузиш бўйича Навоий вилояти терма жамоаси аъзоси, "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари олтин ва кумуш медаллари соҳиби Баҳодир Эгамов. — Ўзбекистон ёшларининг дўстлик, спорт ва нафосат байрамига айланган ушбу мусобақаларда қўлга киритган совринларим мен учун ғоят қадрлидир. Мен ўзим сузиш сир-асрорларини бугунги баҳсларга мезбонлик қилаётган "Дельфин" сув ҳавзасида ўрганганман. Ушбу мусобақалар муносабати билан янгича қиёфа касб этган мазкур спорт иншоотидан ҳали кўплаб чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман.

Эркин сузиш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида 4х50 метр масофага ўтказилган эстафета баҳсларида Тошкент шаҳри терма жамоаси бир жуфт олтин медалга сазовор бўлди.

Баскетбол бўйича қизлар мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчилари наманганлик спортчиларни 40:31, ўсмирлар баҳсида навоийлик спортчилар фарғоналикларни 39:17 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Волейболчи қизлар баҳсида навоийликлар Тошкент шаҳри терма жамоасини 3:0 ҳисобида енгди. Қўл тўпи бўйича андижонлик қизлар хоразмлик дугоналарини 12:8 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўсмирлар баҳсида пойтахтлик қўл тўпи спорти усталари хоразмликлардан 28:18 ҳисобида устун келди. Самарқандлик футболчилар Жиззах вилояти ўқувчилари дарвозасига жавобсиз битта тўп киритди.

Мусобақалар қизғин давом этмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Ёркул УМАРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Оилавий тадбиркорлик имкониятлари

қонунчилик билан янада кенгайди

Депутат минбари

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган изчил ишлар ҳақида гап кетганда, аввало, бу мақсадларга эришишда миллий иқтисодиётда тобора мавқеи мустаҳкамланиб бораётган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиз.

Оилавий бизнес оила даромадларини кўпайтириш, кўп асрлик халқ ҳунармандчилиги анъаналарини давом эттиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланганидек, оилавий бизнесга оид қонунчилик базасининг шакллантирилиши ва ҳуқуқий кафолатларнинг кучайтирилиши янги иш ўринларини ташкил этишда қулай шарт-шароитлар яратади.

Шунингдек, Концепцияда муҳим вазифалар қаторида оилавий бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик негизини янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида эътироф этилган. Айни шу борадаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, ушбу соҳадаги амалий масалаларни таҳлил қилиш асосида иқтисодиётнинг турли жабҳаларида оилавий бизнесни тез ва кенг ривожлантириш учун янада қулай муҳит ҳамда шарт-шароитлар яратиш, соҳанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, алоҳида яхлит ва махсус "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун қабул қилинди ва айни вақтда кучга кирди.

Давоми 2-бетда ➤

Матбуот котиблари амалиёти

касбий маҳоратни ошириш йўлидаги янги қадам бўлмоқда

Ўқув

Сиёсий партиянинг жамоатчилик билан алоқалари қай тарзда кечиши матбуот хизматига боғлиқ. Буни инобатга олган "Адолат" социал-демократик партияси мазкур бўғинга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратидан ташқари ҳар бир ҳудудий Кенгашда ҳам Матбуот хизматлари ташкил этилганлиги фикримизга далил бўлади. Мазкур амалиёт жорий этилганидан буён тизимдаги кадрларнинг профессионал маҳорати ва сиёсий салоҳиятини оширишга қаратилган бир қанча ташаббуслар амалга оширилиб келинмоқда.

Давоми 3-бетда ➤

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари оилада шаклланади.

Мустаҳкам оила — юрт таянчи

Юртимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши — оила деган муқаддас қўрғонимизда соғлом миллат ва соғлом авлодни тарбиялаш ҳамда фарзандларимизни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга даъват бўлди.

Ҳаёт ўзаро таъсир ва мувозанат асосига қурилган. Оила мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан ота-она ва фарзанд, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларидаги ички-ташқи тартибларга боғлиқ. Бу инсон онгли яшай бошлагандан буён неча марталаб ўз исботини топган ёркин ҳаётий ҳақиқат.

Кўз олдингизга келтиринг: халқимиз маънавий меросининг ноёб дурдоналаридан бири «Алпомиш» достонида Бойбўри ўғлини душман юртига юборишдан аввал рухсат бермай туриб, аввал унинг мустақил фикрини, руҳий қувватини, Қултой билан олиштириш орқали жисмоний кучини синовдан ўтказади.

Давоми 8-бетда ➤

Ҳамжиҳатлик ва фаоллик зарур

Халқ депутатлари туман Кенгашининг жорий йил 9 январдаги ўн биринчи сессияси кун тартибига «Адолат» СДП туман кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисидаги масала киритилди.

Туманда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

3-бет

Раҳбар масъулияти —

самарадорлик ва адолат мезони

Аввало, қайси тоифада бўлмасин, раҳбар ўзининг йўлбошчи, йўл кўрсатувчи, раҳнамо, сардор, бошлиқ, етакчи, амалдор эканлигини, зиммасида ҳам белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ҳам етакчи сифатида обрў-эътибор орттириш масъулияти борлигини чуқур тушуниб етиши лозим. Чунки раҳбарга фуқаролар давлат бошқарув тизимининг вакили сифатида баҳо берадилар ва у орқали бошқарув тизимини баҳолайдилар.

5-бет

Кучли ғоялар ҳамиша ғолиб

Олланд жанобларининг сайловолди штаби президент сайловолди ваъдаларининг барчасини бажариши хусусида баёнот тарқатмоқда. Хусусан, НАТОнинг Чикаго саммитида Олланд француз қўшинларини Афғонистондан муддатидан илгари, шу йилнинг охирига қадар олиб чиқиш масаласини кун тартибига қўйди.



7-бет

Сиёсат

Тарих сабоқларини унутмайлик

Давоми. Боши 1-бетда

Бунинг учун, энг аввало, маънавий тарғибот ишини яхши йўлга қўйиш, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлигига эришиш, ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи инсонларни тарбиялаш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари ҳар қандай миллат ва элат аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши мумкинлигини такрор-такрор уқдиради. Тарихдан ҳам, яқин-ўтмишдан ҳам бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Демак, «оммавий маданият» ниқоби остида онг-шууримизга четдан ошкорапинҳона ёпирилиб келаётган, ёшлар дунёқарашига сингиётган иллатларга асло бефарқ бўлмаслигимиз керак. Ҳар бир ота-она фарзандининг дунёқараши қандай қадриятлар асосида шаклланаётгани, кимга ва нимага ҳавас қилаётгани, кимдан ва нимадан ибрат олаётгани, келгусида ким бўлмоқчи, турмуш тарзини қандай белгиламоқчи экани билан жиддий қизиқиши ва бу жараёнда ўзи бош тарбиячи сифатида иштирок этиши зарур. Бу борада сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Дунёда турли мафкуралар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тортишуви кундан-кунга кескин тус олаётган бир пайтда Юртбошимизнинг фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмасига оғишмай амал қилишимиз, маънавий тарғибот ишида бугунги талаблар даражасидаги самарадорликка эришишимиз лозим бўлади. Бундан англашиладики, маънавий тарбия билан шуғулланувчи тарбиячиларнинг ўзи ҳар жиҳатдан етук, дунёда кечаётган мураккаб жараёнлардан яхши хабардор, уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англайдиган ва таҳлил қила оладиган кишилар бўлишлари керак.

Янги асрнинг ўзига хос бир хусусияти шундаки, эндиликда ривожланган, иқтисоди бақувват давлатлар ҳам, бу йўлга энди-энди кириб келаётган мамлакатлар ҳам ташқи сиёсатда, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда фақат бир ўзи, бошқалардан ажралган ҳолда ҳаракат қила олмайди. Янги дунёнинг янги муаммолари кўп жиҳатдан умумлашиб кетганлиги бунга йўл қўймайди. Европа мамлакатларида кечаётган иқтисодий-молиявий инқироз ва унинг нохуш оқибатлари буни яққол тасдиқлади. Умумий муаммоларни биргаликда, бамаслаҳат, фақат бир томоннинг эмас, барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш мумкин.

Аммо таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай иқтисодий тангликни омилкорлик билан енгиш мумкин, маънавий таназзул оқибатларини тугатиш эса осон иш эмас. Бунинг сабаби, бузғунчи кучлар ўзга бир халқ, ўзга миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда ўта беозор, аммо таъсир кучи ғоят самарали воситалардан фойдаланади. Бунда асосий куч ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўлдан чалғитиш, яқин-ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалар моҳиятини айрича талқин этиш ҳисобига зеҳнини сусайтириш, хотирасини чалкаштиришга қаратилади. Юртбошимизнинг Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган суҳбатида бундай хатти-ҳаракатлар замиридаги носоғлом ниятлар таъсирчан мисоллар билан тушунтириб берилди.

Ҳаёт деб аталмиш буюк неъмат инсонга бир марта берилади. Демакки, Ватанни севиш, уни кўз қорачиғидек асраш, бойликларига бойлик қўшиш, яратганимизга шукроналар айтиб, ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилиш имконияти ҳам бир марталикдир. Буни жуда теран англаб етмоқ керак ва халқни халқ, миллатни миллат сифатида тутиб турувчи маънавий-ахлоқий қадриятларни, замонлар синовидан ўтган анъаналаримизни, дину диёнатимизни жон янглиғ асрамоқ лозим.

Инсоният йигирма биринчи асрда яшамоқда, вақт уруш йилларини биздан тобора узоқлаштирмоқда, кўксимиздаги жароҳат ҳали тўла битгани, азоб-уқубатлари унутилгани йўқ. Аммо бу қирғинбарот ҳақидаги ҳақиқатни қасддан бузиб талқин қилиш ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин? Таассуфлар бўлсинки, бугун кўп жойда наинки Иккинчи жаҳон уруши тарихини, ундан аввалги тарихни ҳам ўзгача талқин қилиш, яъни қайта ёзиш, тарихий хотирани миллий маҳдудликка мослаштириш ҳаракатлари содир бўлмоқда. Хавфли ва ачинарлиси шундаки, бундай талқинлар неча асрлардан бери ёнмаён, ҳамжиҳат яшаб келаётган, оғир синовларни биргаликда енгиб ўтган миллатлар ўртасига нифоқ солмоқда, ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром илдизларига зарар етказмоқда. Маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, шовинизм тегирмонига сув қуйилмоқда. "Дунё эшиклари очилди, ёшлар истаганича яшаши, кўнгилхушлик қилиши, ўз роҳатини кўзлаши мумкин, бунинг учун ҳеч қандай тўсиқ бўлиши мумкин эмас", дея оғиз кўпиртираётганлар, аслида, ёшларнинг камолини ўйлаётганлари йўқ, улар бунинг аксинчасини кўзлаб иш тутишмоқда. "Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий халқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, отаболаларимизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир". Муҳтарам Президентимизнинг бу кўрсатмаси бугунги тарғибот ишимиздан мустаҳкам жой олиши зарур.

Тарихий хотира — келажак авлодлар учун сабоқ ҳамдир. Тарих сабоқларини унутиш оғир фожеаларга олиб келади. Ўтган асрда дунё икки бор жаҳаннам олови ичида қолди. Миллионлаб санаганда ҳам адоғига етиб бўлмайдиган даражада кўп одамларнинг ёстиғи қуриди, ҳаёти барбод бўлди, ном-нишонсиз кетди. Икки ёвлашиш жаҳон цивилизациясини ривожланишдан деярли тўхтатди, турмуш даражасини кескин пасайтириб юборди. Шунга қарамай, бугун дунёнинг не бир жойларида қонли можаролар давом этаётгани, босқинчилик, талончилик, ўзгалар ери ва мулкини ўзлаштириш ниятлари, бир девор қўшнининг уйига, боғига, ҳалол меҳнати ҳисобига топган мол-мулкига кўз олайтириш, ташиб кетиш ҳолатлари кўзга ташланаётгани, демократия ниқоби остида ёшлардан иборат турли жангари тўдалар ташкил топаётгани, улар онгига, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "мутлақ эркинлик", "чегарасиз эркинлик", "эркин ахлоқ" деган сохта, ғайриинсоний ғоялар зўр бериб сингдирилаётгани ғоят таассуфлидир. Бу ҳаракатларнинг ташаббускорлари ва марказларига вақтида зарба берилмаса, улар вабо каби тарқалиши, инсоният бошига янги ғам-ташвиш олиб келиши мумкин.

Ҳаёт деб аталмиш буюк неъмат инсонга бир марта берилади. Демакки, Ватанни севиш, уни кўз қорачиғидек асраш, бойликларига бойлик қўшиш, яратганимизга шукроналар айтиб, ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилиш имконияти ҳам бир марталикдир. Буни жуда теран англаб етмоқ керак ва халқни халқ, миллатни миллат сифатида тутиб турувчи маънавий-ахлоқий қадриятларни, замонлар синовидан ўтган анъаналаримизни, дину диёнатимизни жон янглиғ асрамоқ лозим. Давлатимиз раҳбари бу улуғ неъматларни асраб-авайлаш, уларни умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанг ҳолда бойитиб, келгуси авлодларга етказиш энг буюк вазифа эканини ҳамиша эътироф этади. Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони ягона Ватан бахт-саодати учун масъулият сезиб яшашга чорлаш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш эса миллий истиқлол ғоясининг бош мақсади қилиб белгиланган.

Шундай экан, маънавий тарғибот ишини янада кучайтириш, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришиш, бунинг учун эса муҳтарам Президентимизнинг асарлари, нутқ ва маърузаларидаги кўрсатмалардан, хусусан, Хотира майдонидаги суҳбатдан, адабиёт, санъат, кино, театр, матбуот ва телевидение имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур.

М. АҲМЕДОВ.

Оилавий тадбиркорлик имкониятлари

қонунчилик билан янада кенгайди

Давоми. Боши 1-бетда

Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган мазкур Қонуннинг кучга кириши иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтирди десак, муболаға бўлмайди.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишдан иборатдир.

Қонунга мувофиқ оилавий тадбиркорлик оила аъзоларининг умумий мол-мулки ёки мулкий улуши негизида ҳамда оила аъзоларининг бевосита меҳнатдаги иштироки асосида ташкил этиладиган оилавий корхоналар томонидан амалга оширилади. Оилавий корхонанинг фаолиятининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, оилавий корхона оила аъзолари томонидан мазкур корхона фаолиятида шахсий меҳнат иштироки мажбурияти ҳамда тадбиркорлик муомаласига жалб этилган умумий мол-мулк ёки мулкий улуш рўйхати кўрсатилган таъсис шартномаси асосида ташкил этилади. Иштирокчилар хоҳишига кўра, таъсис шартномасида оилавий корхонанинг фойдаси (даромад)ини тақсимлаш шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Оилавий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган намунадаги ариза ва таъсис шартномаси асосида соддалаштирилган тартибда (хабар бериш принципи бўйича) амалга оширилади.

Оилавий корхона юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин ва иштирокчиларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги шарт. Бундан ташқари, оилавий корхона ходимларни ёллаши мумкин ҳамда оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас.

Қонунда оилавий корхонанинг мол-мулки оилавий корхона иштирокчилари томонидан унинг устав фондига киритиладиган мол-мулкдан, қарз маблағлари ва кредитлар ҳисобига олинган мол-мулкдан, товарларни реализация қилишдан, ишларни бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан олинган ва оилавий корхонани ривожлантиришга йўналтирилган даромадлардан, шунингдек, бу даромадлар ҳисобига олинган мол-мулкдан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардан таркиб топиши белгиланган. Бундан ташқари, қонунда оилавий корхонани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, мазкур корхона мол-мулкини мусодара ва реквизиция қилишга йўл қўйилмаслигига, оилавий корхона фаолиятининг эркинлигига, оилавий корхонага солиқ солиш хусусиятларига доир қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Оилавий корхона фаолиятини текширишларнинг чекланиши, ушбу корхонанинг коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланишини таъминлаш, бундай корхоналарга банк хизматини кўрсатиш ва уларга кредит бериш бўйича белгиланган қоидаларни ҳам қонуннинг муҳим жиҳатлари сирасига киритиш мумкин. Чунки бу омиллар оилавий корхонанинг нафақат шаклланишида, балки унинг ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонунда оилавий корхона умумий мулк негизида ташкил қилинади, оилавий корхонада фарзандлар ўз мулки ёки маблағи бўлмаса ҳам шахсий меҳнати билан қатнашиб иштирокчи бўлиши, оилавий корхона иштирокчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича корхона мол-мулки етмаса, ўзларига тегишли мол-мулк билан субсидиар жавобгар бўлиши, оилавий корхона бошлиғи фақат иштирокчилардан бири бўлиши мумкин, ёлланма ходим бўлиши мумкин эмаслиги, оилавий корхона оила яшаб турган турар жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Оилавий корхона оила аъзолари томонидан мазкур корхона фаолиятида шахсий меҳнат иштироки мажбурияти ҳамда тадбиркорлик муомаласига жалб этилган умумий мол-мулк ёки мулкий улуш рўйхати кўрсатилган ҳолда тузиладиган таъсис шартномаси асосида ташкил этилади. Иштирокчилар хоҳишига кўра, таъсис шартномасида оилавий корхонанинг фойдаси (даромад)ини тақсимлаш шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Оилавий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган намунадаги ариза ва таъсис шартномаси асосида соддалаштирилган тартибда (хабар бериш принципи бўйича) амалга оширилади.

Оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қонунда оилавий корхона иштирокчилари томонидан корхона устав фонди энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил ҳолда белгиланиши кўрсатилган. Улар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар-жойларни нотурар жойларга ўтказиш талабларининг мавжуд эмаслиги, оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдага солиқ солишдан озод этилиши ҳам қонунда ўз ифодасини топган. Коммунал инфратузилма хизматларидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда унинг ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Оилавий корхона, Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланган рўйхатга кўра, ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олган тушуни бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилиниши назарда тутилган.

Шу кунларда мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тарғиб қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мутахассислар, мутасаддилар иштирокида қатор тадбирлар ташкил этилаяпти. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Оилавий тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори" мавзуидаги илмий-амалий конференция ҳам ана шу мақсадда уюштирилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутахассислари, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, "Ҳунарманд" уюшмаси вакиллари ва фаоллари, Қўмитанинг жамоатчилик экспертлари гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мухтасар айтганда, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши оилавий тадбиркорлик соҳасида муқим янги иш жойларини ташкил этиш билан бирга, норасмий секторда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ишчиларни, меҳнат шартномаси расмийлаштирмасдан тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзоларини расмий бандлик соҳасига босқичма-босқич жалб этишни таъминлайди. Мазкур қонун оилавий бизнес соҳасида ҳуқуқий кафолатларни кучайтиради. Шу билан бирга, оилавий бизнеснинг жадал ва кенг ривожланишига хизмат қилади.

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

Ташаббускор ёшлар

«Ёш адолатчилар» қаноти

Бугунги кунда «Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг 43,2 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Демак, партия томонидан олиб борилаётган ишларнинг салмоқли қисми ёшлар ҳиссасига тўғри келади.

Жумладан, «Ёш адолатчилар» қанотининг 2012 йилга мўлжалланган дастур ва иш режалари асосида ёшларни партия фаолияти ҳамда унинг мақсад ва вазифалари билан таништириш, уларни партия сафига кенг жалб этиш бўйича кенг кўламли ишлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Хусусан, ёшларнинг бугунги сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида «Ёш адолатчилар» клуби ташкил этилди.

Мазкур клуб фаолияти республика ёшларини мамлакат ва жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ҳамда тафаккурини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт равнақи йўлидаги ғояларини амалга оширишларида ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган.

Масалан, Тошкент давлат кимё технологиялари институтида «Ёш адолатчилар» клуби ташаббуси билан «Ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалалари» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, пойтахт олий ўқув юртлари талабалари иштирок этдилар.

Мазкур давра суҳбатини ўтказишдан мақсад ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш, ўз инновацион лойиҳалари ва ишланмаларининг амалиётга татбиқ этилишига ишончини мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Ёшлар давра суҳбатида ўз инновацион лойиҳа ва ишланмалари билан иштирок этиб, мамлакатимизнинг турли соҳалардаги инновациялардан фойдаланиш ҳолати юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Шу билан бирга, корхона, фабрика фаолиятида, шунингдек, ривожланаётган бозор иқтисодиёти муносабатларида янгича ишлаш бўйича ўзларининг қатор инновацион ва технологик таклифларини киритдилар.

Таъкидлаш жоизки, клуб аъзолари келгусида олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари қошида ёшлар билан ишлаш, сиёсий клуб фаолиятини янада фаол ёшлар ҳисобига кенгайтириш ҳамда уларнинг фаоллигини кучайтириш сингари вазифаларни амалга оширишни режалаштиришган.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Ёш адолатчилар» қанотининг жамиятимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ислоҳотларда, мамлакатни демократлаштириш ҳамда модернизациялашда ёшларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларни партия фаолиятига жалб этиш борасида олиб бораётган ишларни амалий самараларини бермоқда.

Ойбек ТОЖИБОЕВ.

Матбуот котиблари амалиёти

касбий маҳоратни ошириш йўлидаги янги қадам бўлмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Жумладан, "Энг яхши матбуот котиби" кўрик-танлови анъанавий тус олиб, ҳар йили ўтказиладиган, унда ғолиб чиққан матбуот котиблари муносиб рағбатлантириладиган бўлди. Шунингдек, матбуот котиблари иштирокида "Матбуот хизмати — жамоатчилик алоқаларини ўрнатиш ва партия фаолиятини намоён этишнинг муҳим омили" мавзуида семинар-тренинг, "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни" мавзуида давра суҳбати, сиёсий ўқишлар ўтказилди. Бундай тадбирларда матбуот котибларига "пиар" фаолияти, жамоатчилик билан алоқалар, матбуот хизматининг асосий функцияларига оид маълумотлар берилди.

Ҳудудий кенгашлар Матбуот хизматлари ишини яхшилаш, профессионал маҳоратларини яхшилаш, уларнинг фаолиятларида учраётган камчиликларни бартараф этиш масалалари ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Шу сабабли "Адолат" СДП Матбуот хизмати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди лойиҳаси доирасида янги ташаббус билан чиқди. Унга кўра партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари матбуот котиблари пойтахтда малакавий амалиёт ўтамоқда. Мазкур лойиҳа ўз иш режасига эга бўлиб, ҳар бир ҳудудий Кенгашнинг матбуот котиблари унда иштирок этадилар. Матбуот котиблари навбатма-навбат пойтахтга ташриф буюрадилар ҳамда партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Матбуот хизмати ва "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида иш олиб борадилар.

Шу пайтгача партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари матбуот котиблари амалиёт ўтадилар.

Амалиётнинг дастлабки куни "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Матбуот хизматида ўтказилиб, унинг доирасида партия расмий сайти билан ишлаш, унга материал тайёрлаш ва жойлаштириш, тадбирларда қатнашиш ва ёритиш, пресс-релиз тайёрлаш, тадбирларга журналистларни таклиф этиш, республика нашрлари мониторингини олиб бориш каби асосий вазифалар ўрганилди. Амалиёт доирасида матбуот котиблари электрон почтани юритиш каби оддий юмушлардан тортиб, хабарларни ижтимоий тармоқ — "Facebook"га жойлаштириш, унда ўз Кенгаши саҳифасини яратиш сингари замонавий талабларга ҳам жавоб беришга тайёр бўлдилар.

— Матбуот хизмати ходимлари учун ташкил этилган мазкур малака ошириш амалиётини жуда ўринли деб ҳисоблайман. Чунки вилоятларда фаолият юритаётган кадрлар учун пойтахтда орттириладиган тажриба айни муддаодир, — дейди "Адолат" СДП Андижон вилояти Кенгаши Матбуот котиби Акбаржон Назаров. — Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Матбуот хизматида ўталган амалиёт жараёнида матбуот хизмати ходимлари зиммасидаги масъулиятни яна бир бор тушуниб етдим. Партия веб-сайти билан мунтазам танишиб бориш, материаллар жўнатишда тезкор суръатлар билан ишлаш, тадбирларни ташкил этиш каби масалаларда ўз малакамни оширдим.

Амалиётнинг иккинчи куни иштирокчилар "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида бўлдилар. Унда партияларараро ғоявий кураш мавзусидаги мақолалар қандай яратилиши ҳақида тушунча олинди, ижро ҳокимияти фаолиятига оид танқидий руҳда ёзилган мақолалар билан танишилди, депутатлик гуруҳлари фаолиятини ёритишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ўрганилди. Шунингдек, "Ўз-ўзини танқид" рукнидаги мақолалар алоҳида ўрганиб чиқилиб, жойлардаги Кенгашларда кузатилаётган камчиликлар рўйхати тузилди. Мазкур мавзуларни қаламга олиш, таҳлил этиш матбуот котиблари зиммасига юклатилди.

— Газетадаги амалиёт вақти партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлимидаги журналистлар фаолияти билан яқиндан танишдик, — дейди "Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши Матбуот котиби Умида Нишонова. — "Ўз-ўзини танқид" рукнидаги мақолаларни ўрганиш мен учун фойдали бўлди. Мухбирлар билан тажриба алмашиб, газетанинг келгуси сонидаги ушбу рукн учун Жиззах вилояти Кенгаши фаолиятига доир мақола тайёрладим.

Малакавий амалиётда иштирок этган матбуот котибларининг икки кун давомида тўплаган билим ва тажрибалари келгусидаги иш фаолиятларида асқотиши шубҳасиз.

Дурдона АЛИМОВА,
"Адолат" СДП Матбуот хизмати мутахассиси.

Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Олтинкўл тумани кенгаши ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмасида «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг депутатлари, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари доимий комиссиялари раислари ва партия фаоллари иштирок этди.

Ҳамжиҳатлик ва фаоллик зарур

Тадбирда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларни бажаришда партия иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шу билан бирга сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашдаги ролини кучайтириш, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва маҳаллий кенгаш депутатларининг бу жараёнда янада фаолроқ иштирокини таъминлаш борасидаги масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашинилди.

— Айтиш жоизки, бугунги кунда Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари фаолияти ҳам тубдан ўзгарди, — деди «Адолат» СДП Олтинкўл тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ф.Парпиев. — Мазкур ўзгаришлар қабул қилинаётган қонунларнинг янада мукаммал бўлаётганида ўз аксини топмоқда. Бу давлат қурилиши соҳасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги муҳим қадам бўлиб, мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсири ошаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, бугун замоннинг ўзи сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлари фаолиятини янада такомиллаштиришни, бор куч ва имкониятларни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида сафарбар этишни энг муҳим ва долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Таъкидландики, жорий йилнинг ўтган даврида партиянинг туман Кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан мутасадди ташкилотларга жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида 12 та депутатлик сўрови юборилди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияларига 3 та масала киритилди.

Хусусан, халқ депутатлари туман Кенгашининг жорий йил 9 январдаги ўн биринчи сессияси кун тартибига «Адолат» СДП туман кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисидаги масала киритилди.

Туманда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, биргина жорий йилда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида Сувюлдуз, Кўмакай ва Олтинкўл қишлоқларида 5,9 километр ичимлик суви тармоқларини тортиш ва битта қудуқ қуриш режалаштирилган. Мазкур ишларга 183,6 миллион сўм маблағ ажратилган. Айни кунларда бу борадаги ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Туманда, шунингдек, қўшимча дастур асосида 407 миллион сўмга тенг бўлган лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, тумандаги Оразий қишлоғининг «Қипчоқ» ва «Узун кўча», Охунбобоев қишлоғининг «Қайирма», Кўштепасарой қишлоғининг «Андижон», Маслаҳат қишлоғининг «Мақсад» маҳаллалари ҳудудида 5,5 километр узунликдаги тармоқлар янгиланиб, 3 та янги қудуқ қурилади. Яна 2 таси реконструкция қилинади.

Бироқ жойларда соҳага масъул бўлган мутасаддиларнинг барчаси ҳам бундай эътибор ва имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланяптилар, деб бўлмайди. Масалан, туманда аҳолига тоза ичимлик сувини етказиб берувчи 70 дан ортиқ сув иншоотлари мавжуд бўлса, шундан атиги 28 тасигина корхона сифатида қонуний фаолият юритмоқда. Баъзиларида истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги шартнома тузилмаган, корхона фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида катта миқдордаги дебитор ва кредиторлик қарздорликлар юзага келган. Бу эса, сув таъминотидаги узилишларни келтириб чиқараётгани боис истеъмолчиларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Давра суҳбатида партиялар вакиллари мамлакатимиз ривожи ва фаровонлиги учун биргаликда ҳаракат қилиш, куч ва имкониятларни бир мақсадга йўналтириб, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Иллатлар боши лоқайдликда

Ўз-ўзини танқид

Биласиз, ҳар бир сиёсий партиянинг мақсади ҳокимиятга келиш ва бу орқали ўз ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришдан иборатдир. Бу йўлда улар давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этадилар. Шу йўл билан улар сиёсий майдонда ўз ўрнини топадилар. Бу мақсадларга эришиш жараёнида партиялардан салоҳият, сиёсий жиҳатдан етук кадрлар, фаол бошланғич партия ташкилотлари, кўп сонли аъзолар талаб этилади. Ўз навбатида бу омиллар партия ғояларини кенг тарғиб этиш, кенг жамоатчилик орасида партия мақсад ва вазифаларини ёйиш учун амалий тадбирларини кўпайтиришга даъват этади. Айнан мана шу жиҳатларни чуқур англаган Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши бу борада самарали иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги партиянинг 3201 нафар аъзолари 53 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган.

«Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши томонидан ўтказилаётган учрашувлар, семинар-тренинг ҳамда давра суҳбатларида иштирокчиларнинг кенг қамровли аудиториясини жалб қилишга, шунингдек, партия аъзолари сафини кенгайтиришга эришилмоқда.

Хусусан, ўтган 2011 йил мобайнида вилоят партия Кенгаши томонидан 100 дан ортиқ ана шундай тадбирлар вилоятдаги корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва овулларда, ўқув муассасаларида ўтказилди. Партия фаолларининг изланувчанлиги ва жонбозлиги натижасида партия сафига 400 нафардан зиёд янги аъзолар қўшилди.

Хусусан, Фориш тумани кенгашининг ўтган йил давомидаги сермаҳсул фаолияти натижасида аъзолар сони 50 нафарга ўсди. Аъзолик тушумлари эса 117 фоизни ташкил этди.

Тўғри, фаолиятимизда ютуқлар билан бирга айрим муаммо ва камчиликлар ҳам борки, улар ютуқларимизга соя солмоқда. Масалан, партия нуфузи ва амалий ишларига тўсиқлик қилаётган муаммолардан бири, айрим туман партия кенгашлари етакчиларининг лоқайдлигидир.

Партиянинг Зомин ва Пахтакор туманлари кенгашлари фаолиятининг таҳлили шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди.

Мазкур туманларда ўтказилаётган тадбирларда ҳануз қуруқ маърузабозлик каби эскича қарашлар ҳукмронлик қилмоқда, партиявий бурчга бефарқлик, лоқайдлик билан ёндашиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса тадбирларнинг таъсирчанлиги ва савиясини тушириб юбормоқда. Албатта, фаолиятга юзаки қараш бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хусусан, юқорида номи келтирилган туманларда аъзолар ҳам, бошланғич партия ташкилотлар сони ҳам ўсмаяпти.

— Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича вилоят партия Кенгаши томонидан ушбу туманлар доимий назоратга олинди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Р.Тўйчиев. — Махсус ишчи гуруҳи тузилди. Шу билан бирга, фаолларнинг сиёсий, ижтимоий билимларини ошириш мақсадида сиёсий ўқувлар ташкил этиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида номлари зикр этилган туман партия кенгаш раислари ўзларига тегишли хулоса чиқаришларини истардик. Зеро, лоқайдлик, масъулиятсизлик ва совуққонлик кетидан катта-катта муаммолар эргашишини, бу эса партиянинг жойлардаги обрў-эътиборига соя солишини унутмаслигимиз лозим.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти матбуот хизмати.

Фаоллар зиммасидаги масъулият

Бошланғич ташкилотларда

Маълумки, сиёсий партияларнинг аҳоли орасидаги обрўси ва нуфузи бевосита таянч бўғин саналган бошланғич партия ташкилотларининг фаолият самарадорлиги билан белгиланади. Ушбу мезондан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» СДП бугунги кунда ҳудудий кенгашларидаги энг намунали бошланғич ташкилотларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва жойларда кенг қўллаш амалиётига устувор вазифа сифатида қарамоқда.

Шу маънода, партиянинг Хазорасп тумани кенгаши таркибидаги қуйи бўғинлари ҳақида гап кетганда, туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти энг намунали қуйи ташкилот сифатида эътироф этилаётганини таъкидлаш жоиз. 660 нафарга яқин аъзони бирлаштирган мазкур БПТ ташкилий партиявий ишларни шу кун талаблари даражасида ташкил этиб келмоқда. Айниқса, ҳар ойда белгиланган режа асосида бошланғич ташкилот фаоллари учун сиёсий ўқувлар ва йиғилишлар ўтказилаётгани, ўз навбатида, улар ҳам зиммаларидаги масъулият ва вазифаларни тўлақонли ҳис этиб, маҳаллаларда тез-тез ташкил этилаётган учрашувларда «Адолат» СДПнинг ғоявий мақсад ва вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб этишаётгани боис партия хайрихоҳлари сони кун сайин ортиб бормоқда. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотида партия ички ҳужжатларини юритиш, аъзолик бадаллари тўлови ҳам намунали йўлга қўйилган. Тиббиёт муассасасида БПТ учун ажратилган хона ҳам бугунги кун талабига мос равишда жиҳозланган.

— Фаолиятимизни намунали ташкил этиш, ишимиз самарадорлигини оширишда туман партия кенгаши фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари катта ёрдам беришаяпти, — дейди БПТ раиси Фароғат Тиллаева. — Биз ҳам улар билан доимо ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Фаолларимиз туман микёсида ўтказилаётган барча оммавий сиёсий тадбирларда фаол иштирок этишаяпти. Айниқса, тиббиёт ходимларидан иборат тарғибот гуруҳимиз аъзолари жойларда партиямизнинг сайловолди Дастури ва аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш юзасидан ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ишларни кенг тарғиб этишаётгани боис ўтган йили туман кенгаши томонидан муносиб рағбатлантирилдик. Бошланғич партия ташкилотимиз 2011 йилда тумандаги энг намунали қуйи бўғин сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, мазкур бошланғич ташкилотда аъзоларнинг ижтимоий ҳимояси юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳам эътиборга моликдир. Энг фаол ходимларни мунтазам рағбатлантириб бориш, ходимлар орасидаги ёш оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш анъанага айланган.

— Бошланғич ташкилотимиз фаолиятининг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, аъзоларимиз сонининг кўплиги ва ихтисосликлари бўйича тиббиёт бирлашмамизнинг турли бўлимларида фаолият юритаётганликлари боис улар 11 та гуруҳга бўлинган, — дейди халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати, БПТ фаоли, бош врач Равшан Юсупов. — Фаолларимиз туман депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда маҳалла ва ташкилотларда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этишга эътибор қаратишмоқда. Бундан ташқари фаолларимиз ўз ихтисосликларидан келиб чиқиб соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, турли касалликларнинг олдини олиш борасида аҳолидан ўз маслаҳат ва кўрсатмаларини аямаяптилар. Хусусан, фаолларимиз аҳоли орасида йод танқислигининг олдини олиш юзасидан қатор ташаббусларни илгари суришмоқда. Уларнинг ташаббуси билан ҳудуддаги савдо шохобчаларида сотилаётган тузнинг йодланганлик миқдори текширувдан ўтказилди.

Туманда ана шундай БПТлар кўплиги боис «Адолат» СДПнинг обрўси ва нуфузи ортиб бораяпти. Ҳозирда Хазораспда партия аъзолари сони 1100 нафардан зиёдни ташкил этмоқда. Албатта, туман партия кенгаши таркибидаги қуйи бўғинлар фаолияти камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Бироқ намунали БПТларнинг иш тажрибалари ўрганилиб, кенг жорий этилаётганлиги ана шундай камчилик ва нуқсонларнинг бартараф этилишига замин ҳозирламоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Нуқтаи назар

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти

ёхуд соҳадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари

Концепция: устувор вазифалар

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётгани таъкидланди. Кейинги пайтларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлиги масаласи амалиётчилар ҳамда назариётчи олимлар тарафидан ҳам тез-тез тилга олинмоқда. Зеро, қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш билан боғлиқ жараённи яхшилаш, ушбу ҳужжатлар самарадорлигини ошириш давлат ҳокимият органларининг муҳим вазифасидир.

Дарҳақиқат, қабул қилинаётган қарор ва қонунлар ижроси энг аввало, унинг сифати ва ҳаётий талабларга қанчалар жавоб беришига боғлиқ. Сифатсиз қонунчилик ҳужжатлари амалиётда ҳуқуқий нормаларнинг бузилиш ҳолатлари кўпайишига олиб келади. Шу сабабли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқлар ва зиддиятларни бартараф қилишни ҳамма босқичда, жумладан, уларни қўллаш жараёнида ҳам давом эттириш лозим.

Демак, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига салбий таъсир кўрсатадиган камчиликлар ҳамда унинг оқибатлари олдини олиш — бу давлат ҳокимияти органлари олдида турган асосий вазифалардандир.

Шу нуқтаи назардан сўнгги йилларда мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги эътиборидаги асосий мавзулардан бири бўлиб қолаяпти. Хусусан, вазирлик томонидан доимий равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини экспертиза қилиш ҳамда адлия органлари томонидан амалдаги қонунчиликни мониторинг қилиш ва текшириш орқали ҳуқуқ ижодкорлиги характеридаги кўплаб муаммо ва камчиликлар аниқланиб, бартараф этилмоқда.

Айни пайтда адлия органларини ислоҳ қилиш борасида бир қатор ижобий ишлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 июндаги "Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва 2011 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида адлия органларининг амалдаги қонунчилик самарадорлигини ошириш борасидаги функциялари такомиллаштирилди.

Масалан, Адлия вазирлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳуқуқий тартибга солиш тизимида аниқланган камчиликларни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратаётган қоидалар ва нормаларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда давлат органларига кўриб чиқиш учун киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган қарорларида белгилаб қўйилган янги функциялар ижросини таъминлаш борасида Адлия вазирлиги томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топмаган айрим нормаларни аниқлаштириш бўйича текшириш ва инвентаризация ўтказилиб, миллий норматив-ҳуқуқий база таҳлил этилди. Дастлабки натижага кўра, 100 дан ортиқ қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаган баъзи нормаларга аниқлик киритилди. Шунингдек, юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти ва ҳуқуқий асослари ҳам ўрганиб чиқилди.

Таҳлиллар жараёнида юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишни ҳуқуқий тартибга солишда муайян бўшлиқлар мавжудлиги аниқланди. Чунончи, юридик шахслар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинадиган муносабатларнинг субъекти сифатида назарда тутилмаганлиги, юридик шахслар мурожаатларини бериш ва кўриб чиқиш масалаларини тартибга солувчи тарқоқ ҳуқуқий нормалар эса унификация қилинмаганлиги маълум бўлди.

Айни кезда таҳлил якунлари қонунчиликда юридик шахслар мурожаатларини бериш ва давлат органлари томонидан уларни кўриб чиқишнинг тартиб-таомилига оид жиҳатлар ҳам тўла ҳал этилмаганлигини кўрсатди. Жумладан, бундай мурожаатларнинг шакли, турлари, кўриб чиқиш муддатлари ва айрим бошқа масалаларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар ўрнатилмаганлиги аниқланди.

Ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига ва Жиноят кодексининг 144-моддасига юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлигини белгиловчи нормаларни киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Адлия идоралари томонидан уларга берилган ваколатлар доирасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Тегишли ҳолларда қонун ҳужжатларидаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиши таъминланмоқда.

Масалан, "INDIGO DESIGN GROUP" МЧЖнинг 2011 йил 11 июлдаги мурожаатини кўриб чиқиш доирасида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик таҳлили ўтказилди. Мазкур ўрганиш натижасига кўра Интеллектуал мулк агентлигига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида интеллектуал мулк объектларидан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахслар ҳисобини юритишни ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни тўлдиришни таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида таклиф киритилди.

Умуман олганда, 2011 йил давомида амалиётда муаммо ва қонун бузилишларига имкон яратаётган қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Ушбу таклифлар 60 дан зиёд қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Ж.СОТИБОЛДИЕВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш, меҳнат бозорида талаб ва таклиф мутаносиблигига эришиш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада Жиззах вилоятида ҳам изчил ишлар амалга оширилаётир.



Бу йил Жиззах тумани ижтимоий-иқтисодиёт ва банк касб-ҳунар коллежини 285 йигит-қиз битиради. Банк иши, архившунослик, компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш, менежментлик каби йўналишларда билим ва кўникмага эга битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «Миллий банк», «Асака банк», «Агробанк», «Микрокредитбанк», "Ягона ойна" маркази каби қатор ташкилот ва муассасалар, хусусий фирма ҳамда фермер хўжаликлари билан уч томонлама шартномалар тузилган.

Айни пайтда назарий билимини амалиётда мустаҳкамлаб, тегишли соҳадаги илғор тажриба билан яқиндан танишаётган битирувчилар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга, етук мутахассис бўлишга астойдил интилмоқда.

Суратларда: *Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири Наргиза Аралова коллеж ўқувчиси Шаҳноза Ўролова билан;*

Жиззах шаҳар "Ягона ойна" маркази раҳбари Боҳодир Насриддинов Жиззах тумани ижтимоий-иқтисодиёт ва банк касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Комила Шодмонова ва Суннат Норқулов билан.

У.РАҲИМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ваъда бериш осон...

Партиялараро рақобат

Сайловчига баландпарвоз ваъдалар бериш, қуруқ мақтаниш сиёсий партияга обрў олиб бермайди. Ислоҳотларнинг бугунги босқичида электорат ва сайловчи ўзи ишонч билдирган ҳар қандай сиёсий куч ва унинг вакилларидан амалий ишларни, реал натижаларни кутмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда сиёсий партияларнинг барчаси 2009 йилдаги сайловлардан кейинги фаолиятини таҳлил қилиши ва баҳолаши керак. Бироқ барча партиялар ҳам ана шу ақидага изчил амал қилаётгани йўқ.

Аксинча, "Ўзбекистон овози" газетасидаги партияларо мунозарага бағишланган мақолаларни ўқир экансиз, ХДП нашрининг баҳс-мунозара моҳиятини англамаслиги, электорати учун зўр бериб ишлаётгани, сайловчи ва электорат эътиборини "арзимас" масалаларга қаратиш орқали уларни чалғитишга уринаётганини сезишингиз мумкин. Бу каби мақолаларда ХДП Ҳаракат дастурида таъкидланган — кам таъминланган, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлашга, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг аниқ манзилли етиб боришини назорат қилишга, пенсия ва нафақаларни адолатли ҳисоб-китоб қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қараётганликларини алоҳида таъкидлашади. Аммо ХДПчиларнинг Ҳаракат дастурида тилга олинган амалий ишлар билан шуғулланиш ўрнига бошқа партиялар фаолиятидан камчилик қидириши бироз эриш туюлади кишига. Хусусан, газетанинг охирги икки сонида «Ўзбекистон овози» нашри "Адолат" СДП етакчиларини бозор иқтисодиёти шароитида ишсизлик бўлиши табиий, дея ижтимоий адолат, инсон манфаати ва ҳақ-ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига тўғри келмайдиган фикрларни илгари суришда айблашга ҳаракат қилишди. Афсуки, амалда воқеалик бундай эмас. "Адолат" СДП ҳам жамиятда барқарорлик ҳукм суришидан, ишсизлик тугатилишидан манфаатдор. Тўғри, биз ҳам ХДПнинг ишсизликни камайтиришга қаратилган интилишини қўллаб-қувватлаймиз. Бироқ мазкур партиянинг ўз электорати қолиб, О`zLiDeP электорати ҳисобланмиш тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга киришгани, сайловчилари доирасини улар ҳисобидан янада кенгайтиришга астойдил уринаётгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини ёнига зўр бериб тадбиркорларни ҳам жалб этаётгани ажабланарли холос.

ХДПнинг Ҳаракат дастуридаги "Партия меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги таъминланишини энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Бу муаммо билан доимий равишда шуғулланиб келаётган Ўзбекистон ХДП унинг моҳиятини яхши биладди. Иш билан бандлик муаммолари бозор, талаб ва таклиф қонуниятлари билан боғлиқ бўлса-да, бунда ишсизликнинг бўлиши муқаррар эмас"... Партиямизнинг ушбу масаладаги бош шиори: Иш ва фаровонлик — барча учун!» қабилидаги қарашлари ҳам баҳсталаб мавзу.

Машҳур ёзувчи Жорж Оруэллнинг "1984" номли романини кўпчилигимиз ўқиганмиз, албатта. 1949 йилда яратилган мазкур асарда ягона партия мафкураси ҳукмронлиги охир-оқибат жамиятни иқтисодий, сиёсий ва маънавий таназзулга олиб келиши ёрқин ифодалаб берилган.

Яхши асарлар ҳеч қачон эскирмайди. Аксинча, вақт ўтиши билан қадри ошиб бораверади. "1984"ни ҳам бот-бот мутолаа қиларкансиз, ундаги бир ҳолат эътиборингизни тортади. Яъни жамиятда ишсизлик йўқ. Ҳукмрон партия капитализм иллати саналган ишсизликни таг-туби билан йўқ қилиб ташлаган. Аммо...

Аммо бу жамиятда на тараққиёт бор, на олдинга интилиш. Ҳаттоки оддийгина шоколад қатъий белгиланган ва миқдори тобора камайиб бораётган норма асосида талон билан тарқатилади. Шакар ўрнига сунъий сахарин моддаси берилади. Чой даладаги хашакдан тайёрланади. Қаҳва анқонинг уруғи... Бироқ буларнинг ҳаммаси партия раҳбарларининг мағрурона кўкрак кериб, шоҳона ҳаёт кечиришига асло халақит беролмайди. Улар тинмай мақтанишади ҳам: "Бизда ҳамма ишлаяпти, бизда ҳамма фаровон яшаяпти!" ...

Бу мантиққа зид эмасми? Ахир жамиятда ҳамма ишлаётган экан-ку? Асло! Келинг, буни соддароқ йўсинда изоҳлашга уририб кўрайлик. Дейлик, беш юз киши заранг қотган далани белкуракда зўр бериб ағдараяпти. Ярим минг меҳнаткаш тинмай кун-тун ишлайверади, ишлайверади. Самара эса йўқ ҳисоби. Фойдали иш коэффициенти ҳам, бундай қора ишга тўланадиган ҳақ ҳам арзимаган даражада, албатта. Чунки оддийгина трактор шу далани тўрт соатда бемалол ва сифатли ҳайдаб ташлайди. Ёзувчи қаламга олган жамиятда шундай қилиш ҳам мумкин эди. Лекин унда беш юз киши ишсиз қоладида. Партиянинг бош мақсади — ҳаммани ишли қилиш эди. Мақсад эса воситани оқлайди...

"Ўзбекистон овози" газетасининг шу йил 2 май сонида эълон қилинган "Иш ва фаровонлик — барча учун!" деган мақолани ўқирканман, беихтиёр хаёлимдан шу гаплар ўтди.

Шубҳасиз, ҳаммага иш ва фаровонлик ваъда қилишдан осони йўқ. Ҳаттоки бундай баландпарвоз ваъдалар сиёсат майдонига байроқ кўтариб чиққан партиянинг обрўйини бир муддат сақлаб ҳам турар. Аммо ўсма кетади, қош қолади, яъни гап моҳиятда.

Голландиядек ривожланган мамлакат қишлоқ хўжалигида ахолининг беш фоизга яқини ишлайди, холос. Демак, бу соҳадаги бир меҳнаткаш ўртача олганда йигирма кишини сифатли маҳсулот билан ебичиради. Мамлакат йилига қанча пишлоқ экспорт қилишини эса такрорлаб ўтириш ҳам шарт эмасдир. Демак, муҳими — ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, бунинг учун етарли шарт-шароит яратиш, меҳнатга яраша рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш: ҳар кимга меҳнатига яраша принципига амал қилиш. Алоҳида олинган фуқаронинг, демак, бутун жамиятнинг иқтисодий аҳволи ижобий томонга кескин ўнгланишига хизмат қиладиган бундай муносабат ўз-ўзидан кучли ижтимоий ҳимоя тизимини вужудга келтиради.

Юқорида тилга олинган мақоладан иқтибос келтирамиз: "Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида ЎзХДП жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд, яъни иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли одамлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга интилади. Партия уларнинг сафини босқичма-босқич камайтириб бориш жамият фаровонлиги ўсишининг асосий кўрсаткичларидан бири, деб ҳисоблайди". Агар тўғри тушунган бўлсак, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам сони босқичма-босқич камайиб борган сайин ХДП ўзининг электоратидан айрила боради. Балки яқин келажакда ХДП тарафдорлари қолмас. Ахир партия иш билан фаровонликни ҳамма учун нақд қилиб қўймоқда-ку...

Бугун глобал миқёсдаги инқирозлар ҳам давлатларни инновацион янгиликларга алоҳида эътибор билан ёндашишга мажбур этаётгани бежиз эмас. Чунки янги инновацион технологиялар ҳеч бир давлат ишлаб чиқарган маҳсулотини ташқи бозорга чиқара олмайди, яъни рақобатбардошликка эришолмайди. Демак ҳаммага юмуш улашиш қабилидаги баландпарвоз, қуруқ ваъдалар эмас, айнан инновацион технологиялар иқтисодиётнинг гуркираб ривожланиши учун замин яратади, янги иш ўринлари, ижтимоий ҳимоянинг кучли тизимини яратади ва охир-оқибат халқ ҳаётини фаровон қилади.

Афсуки, бундай эмас. Аксинча, ХДП кейинги пайтларда электорати доирасини янада кенгайтиришга астойдил уринмоқда. Шу сабабли, энди ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ёнига зўр бериб тадбиркорлар ҳам жалб этилмоқда.

Умуман, ХДП ишсизлик кишиларни ваҳимага соладиган ғоя даражасига кўтариб чиқани яққол сезилиб қолмоқда. Тилга олинган мақолада ҳам партия ҳаммага иш улашиш орқали "Кишилар келажакка, истиқболга ишончини йўқотмаслиги учун курашиши" алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Табиийки, ҳар қанча истаган тақдирида ҳам ХДП сайловчиларига бераётган қуюқ ваъдасини бажара олмайди, бу амалда мумкин ҳам эмас. Нари борса шиорнинг биринчи қисмини ҳаётга татбиқ этишга уриниб кўриши мумкиндир. Яъни ҳаммани ҳам иш билан таъминлаш ваъдаси. Дейлик, эллик мингта янги иш ўрни яратилди, деган ҳисобот учун шунча киши эскирган технология ёрдамида ишлаб чиқаришга жалб этилса... Бу, албатта, саксон йил орқага қайтишдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Демак, гап айланиб яна ишнинг кўзини билиб меҳнат қилишга, яъни замонавий технологияларга, илм-фан ютуқларига, инновацион ғояларга асосланган ишлаб чиқариш, демак, иш ўринлари яратишга келиб тақалади.

Яқинда бир иқтисодчи олим билан суҳбатлашиб қолдим. Олимнинг ҳаяжонланиб айтишига қараганда, унинг шогирди амалиётга татбиқ этаётган инновацион ғоя келтирадиган иқтисодий самара ўртача бир хўжалик юритувчи субъект йил давомида оладиган соф фойдадан ҳам кўпроқ экан.

Хўш, бу борада мақолада танқид қилинган "Адолат" социал-демократик партиясининг қарашлари, нуқтаи назари қандай? Позициямиз аниқ. Партиямизнинг сайловолди дастурида таъкидлаб ўтилганидек, "биз ўзимизни анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғояларини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз. Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли партия меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди...

Партия Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Уни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Партия иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади. Иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таянишни даркор".

Демак, фақат инновацион технологияларгина маҳсулотлар рақобатбардошлигини, ҳаридоргирлигини таъминлаш, таннархни, энергия истеъмолини камайтириш, инвестициялар оқимини кўпайтиришга йўл очади. Бугун глобал миқёсдаги инқирозлар ҳам давлатларни инновацион янгиликларга алоҳида эътибор билан ёндашишга мажбур этаётгани бежиз эмас. Чунки янги инновацион технологияларсиз ҳеч бир давлат ишлаб чиқарган маҳсулотини ташқи бозорга чиқара олмайди, яъни рақобатбардошликка эришолмайди. Демак, ҳаммага юмуш улашиш қабилидаги баландпарвоз, қуруқ ваъдалар эмас, айнан инновацион технологиялар иқтисодиётнинг гуркираб ривожланиши учун замин яратади, янги иш ўринлари, ижтимоий ҳимоянинг кучли тизимини яратади ва охир-оқибат халқ ҳаётини фаровон қилади. Тараққиёт алифбосига айланган ушбу оддийгина ҳақиқатни англаб етиш ХДП учун нега бунчалар қийин кечаётганини тушуниш ҳам, тушунтириш ҳам мушкул...

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ.

Раҳбар масъулияти — самарадорлик ва адолат мезони

Биринчи мақола

Мулоҳаза

Жамиятни бошқаришда раҳбар кадрлар фаолияти ижтимоий таъсир жиҳатидан катта аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти ёки таназзулининг асослари айнан шу раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатаётган шахсларнинг келажакни кўра билиши, муаммоларнинг асоси ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш-топмасликлари билан чамбарчас боғлиқ.

Халқимиз дунёқарашида раҳбар, етакчиларга эргашиш, уларга қараб иш тутиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир маҳалла аҳли ўз маҳалласида истиқомат қилаётган, қандай ёки қаерда бўлмасин раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган шахсларнинг турмуш-турмушини, хатти-ҳаракатини, маҳалла билан алоқаларини кузатиб боради. Бинобарин, ўша раҳбарнинг ўз ишфаолиятидаги ва маҳалладаги обрў-эътибори маҳалла аҳли томонидан баҳоланади, ўлчанади. Чунки маҳалла аҳли мамлакатнинг, жумладан, ўз маҳаллаларининг фаровонлашувида ўзлари кузатаётган ва маҳалладошлари бўлган раҳбарларнинг ҳам ҳиссаси борлигини яхши тушунишади, яъни мана шу раҳбарга ҳам жамиятни бошқараётган бошқарув командасининг бир аъзоси сифатида қарашади. Бундай тафаккур мамлакатдаги барча соҳаларда меҳнат қиладиган ҳамма фуқароларга ҳам тегишли. Жамият фуқароларининг жамият бошқаруви тўғрисидаги қарашлари ана шундай оддий тарзда шаклланади, умумлашади. Фуқаролар тафаккурининг бундай шаклланишига, таъкидлаш керакки, кўпинча раҳбар кадрларнинг амалий ҳаёт тарзлари ва дунёқарашлари асос бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан, мамлакатимизда илгари сурилаётган буюк ғояларнинг халқимиз тафаккуридан тўғри жой олиши, мазкур ғояларнинг келажакда келтирадиган натижалари тўғрисида мустаҳкам тасаввурлар ва улар воситасида интилишларнинг юзага келишида маҳаллаларда истиқомат қилаётган, турли объектларда бошқарув фаолияти билан шуғулланаётган раҳбар кадрлар тафаккурининг юртимизда илгари сурилаётган тараққиёт ғоялари билан уйғунлиги, бир бутунлиги ва бунинг амалда кўриниши муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз томонидан Ватанимизни ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутувчи қатор ғоялар илгари сурилган. Уларни амалиётга татбиқ этиш мамлакатимизда қисқа давр ичида жуда катта ўзгаришларни вужудга келтирди. Бугун бу ўзгаришлар, ривожланишнинг кўлами, мазмун-моҳияти, келажакда кўзда тутилаётган натижаларини ҳар қандай тоифадаги раҳбар яхлит ҳолда англаши, тасаввур қила олиши керак. Яъни раҳбар шахснинг дунёқарашида кўзда тутилган мақсадларга мувофиқлик мавжуд бўлгандагина мамлакат миқёсида амалга оширилаётган режаларда кемтиклик бўлмайди. Бунинг учун бугун жойларда меҳнат қилаётган раҳбар кадрларда бошқарувнинг бир қатор масалалари юзасидан доимий фикрлаш тарзини шакллантириш талаб этилади.

Аввало, қайси тоифада бўлмасин, раҳбар ўзининг йўлбошчи, йўл кўрсатувчи, раҳнамо, сардор, бошлиқ, етакчи, амалдор эканлигини, зиммасида ҳам белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ҳам етакчи сифатида обрў-эътибор орттириш масъулияти борлигини чуқур тушуниб етиши лозим. Чунки раҳбарга фуқаролар давлат бошқарув тизимининг вакили сифатида баҳо берадилар ва у орқали бошқарув тизимини баҳолайдилар.

Раҳбар шахс ўз фаолият объекти, доираси, заурурияти, муаммолари, манбалари ва умуман, ўз иши билан боғлиқ барча масалалар, соҳаларни яхши билиши, унинг бошқа соҳалар билан алоқадорлиги, ўзи йўл қўядиган хатонинг ўзи ишлайдиган бошқарув тизими ва бошқа соҳалар бошқарув тизимларида вужудга келтирадиган оқибатлари ҳақида тасаввур қила олиши, булар воситасида эса мамлакатда амалга оширилаётган тараққиёт режаларига катта зарар етишини бир бутун ҳолда англай олиши зарур. Шунингдек, ҳар бир раҳбар ўз лавозими нима учун пайдо бўлди, унинг ҳуқуқий меъёрлари, ваколат доираси қандай шаклланган, бу лавозим доирасида ўтган даврда кимлар, нима ишларни амалга оширган, ҳозирги ҳолати қандай, ижтимоий роли нимадан иборат, ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринишини ҳам билиш керак. Раҳбарнинг ана шу масалаларни билмаслиги, ўз раҳбарлик масъулияти ва компитенциясини тасаввур қила олмаслигидан дарак беради ва албатта у бошқарувда юқоридан берилган вазифаларни кўр-кўрона башариш йўлидан боради.

Шахс ўз ишини амалга ошириш жараёнида зиммасига юклатилган масъулиятни бажаради. Раҳбар масъулиятни бажариш билан фақат бошқарув тизимида ўзидан юқори турган органлар олдидагина эмас, балки ўзи бирга ишлаётга ёки яшаётган жамоа ўртасида ҳам бирдек ҳурмат қозониш керак-лигини, бунда бу обрў-эътибор фақат ўзи ёки ўз ташкилотининг эмас, бутун бошқарув тизимининг обрў-эътибори бўлишини тушуниб етиши лозим. Мана шундагина бошқарувчи шахс фуқаро онгида раҳбар, раҳбарлик, раҳбарият, бошқарув тизими ва давлат дастурларига нисбатан ҳурмат, уларни қўллаб-қувватлаш, улар учун жон куйдириш ҳиссини шакллантиришда ҳисса қўшишини тасаввур қила олиши керак.

Раҳбар шахс ўз соҳасида иш юритиш тамойиллари, индивидуал ва ўз тармоғи учун умумий мақсадлари, ишни амалга ошириш йўллари ҳамда қонуниятлари, ташкил этиш технологиялари ва механизмлари, усул ва услублари, ишни бажаришга тайёрлаш ва амалга татбиқ этиш тизимлари, ўз фаолиятига нисбатан дунёқарашнинг ривожланиш жараёнлари, имижи, шунингдек, амалий ва назарий муаммоларини ҳам яхши билиши талаб этилади.

Бугунги куннинг раҳбари ўз ишига фақат иқтисодий моҳиятдан келиб чиқиб, меҳнат самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридангина эмас, давлат сиёсий бошқаруви, ижтимоий тартиб-интизомнинг ривожланиши ва жамият, ташкилотнинг тартибли тараққиётини йўлга қўйиш, бошқарув ва қонунлар устуворлиги ва мувофиқлигини таъминлаш, сиёсий жараёнларда шахснинг тутган ўрнига аҳамият қаратиш, жамиятдаги психологик мойилликларни этибордан қочирмаслик асосида ёндашуви жуда муҳим. Чунки жамоа бор жойдагина бошқарув фаолият кўрсатади ва бошқарув бўлган жойда эса раҳбар мавжуд бўлади. Одамларнинг бошқарувга амал қилиши эса ана шу раҳбар дунёқараши ва хатти-ҳаракатларига бориб тақалади.

Жамият ичида рисоладаги энг кичик гуруҳ сифатида масалан, оилани оладиган бўлсак, унинг таркибида албатта бошлиқ ва эргашувчилар мавжуд. Оила раҳбари шу оиланинг тараққиёт йўналиши, мақсад ва режаларини белгиловчи ҳамда мувофиқлаштирувчи асосий шахсдир. Шунингдек, унинг зиммасида оилани бошқариш, тартибга солиш, таъминлаш чораларини кўриш каби турли-туман муаммолар ётади. Буларнинг барчаси раҳбарнинг қандай шахс эканлиги, оила муаммоларини қай даражада англай олиши, дунёқараши, тафаккур қобилияти, тадбиркорлиги ва бошқа шу каби бир қанча хусусиятларига боғлиқки, шу жиҳатдан раҳбар ўз шахсиятини таҳлил қилиб бориши керак.

Фазлиддин РАВШАНОВ,
сиёсий фанлар доктори.

Саломатлик

Давоси ўз қўлимизда

Соғлом турмуш тарзи. Бу тартибли овқатланиш, шахсий гигиена қоидаларига, тозаликка риоя этиш, меъёрида ухлаш, спорт билан мунтазам шуғулланиш, иш фаолиятини тартибли йўлга қўйиш, умуман, инсон саломатлиги учун лозим барча талабларни бажариш демакдир.

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлаш энг устувор вазифалардан бири саналади. Шу мақсадда, жойларда янги шифо масканлари қуриляпти, мавжудлари таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Мамлакатимизда "Сил касаллигининг олдини олиш ва у билан оғриш ҳолларини камайтиришга доир" давлат дастури ижроси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Эндиликда замонавий ускуналар билан жиҳозланган шифо масканимизда бу хасталикнинг тегишли даво чоралари кўриш имконияти туғилди.

Албатта фақат тиббиёт ютуқлари билан касалликни бартараф этиб бўлмайди. Шуни инобатга олган ҳолда, аҳоли яшаш масканларида тарғибот-ташвиқот ва профилактик кўрик ишлари йўлга қўйилмоқда. Бунда асосий эътибор оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, фуқароларни хасталикнинг аломатлари ва асоратларидан бохабар этишга қаратилаётир. Чунки сил аксар ҳолларда ўз саломатлигига лоқайд қараш, бетартиб ҳаёт кечириш оқибатида келиб чиқади.

Муҳими бу дарднинг олдини олса бўлади. Бунинг учун, энг аввало, соғлом турмуш тарзига риоя этиш лозим.

Баҳодир АТАБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси 9-сонли фзиатрия ТМЭК раиси.

Савол беринг, жавоб берамиз

Исм-шарифингизни ўзгартирмоқчимисиз?

Бунинг учун қонуний асос бўлиши лозим

Ўзбекистон республикаси Оила кодексининг 226-моддасида 16 ёшга тўлган шахслар узрли сабаблар бўлган тақдирда фамилия, исми ва отасининг исмини ўзгартириши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ ҳозирги пайтда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш учун узрли сабабларнинг тўлиқ рўйхати эмас, балки уларнинг айримлари кўрсатилган, холос.

Жумладан, бундай сабабларга:

— агар фамилия, исм ва ота исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;

— агар фамилия, исм ва ота исми миллатига тўғри келмаса;

— хоҳишга қараб, никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтиш истагининг бўлиши;

— оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса);

— 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан (ушбу моддага кўра, Ўзбекистонда яшовчи шахслар, миллатидан катъи назар, ўз исми, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадир);

— ФҲДЁ идораси томонидан узрли деб топилган бошқа асослар киради.

Бундан ташқари, мураккаб бўлган фамилия (масалан, Саидабрормусахўжаев, Каримхўжамаҳмуд) ва исмларни соддалаштиришни хоҳловчи фуқароларнинг илтимоси ҳам асослидир.

Қайд этилган фамилия, исм, ота исми каби ўзгартиришлар киритиладиган далолатнома ёзуви йўқолган, сақланмаган ҳолларда фамилия, исм, ота исми далолатнома ёзуви тикланган, амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, 16 ёшга тўлган шахснинг фамилия, исм, ота исмининг ўзгартирилиши, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида ота-она ёзилган устунга таъсир қилмайди. Масалан, Саидов Анвар Мансурович фуқаро Темиров Тоҳир Тошевич оиласида яшаб келиб, Темиров Анвар Тоҳирович тарзида ўз фамилияси ва ота исмини ўзгартирса-да, аммо туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ота қисмида аввалги отаси тўғрисидаги маълумотлар сақлаб қолинади. Агар бу шахс фарзандликка ўтишни хоҳлаб, 18 ёшга тўлгунга қадар фарзандликка олиш ҳақида ҳоким қарори қабул қилинсагина ота-она сифатида ҳам янги фарзандликка олганлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Кези келганда, яна бир муҳим ҳолат тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Оила кодексининг 226-моддаси, 2-қисмига кўра фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги ФҲДЁ идорасининг хулосаси ички ишлар идоралари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкинлиги таъкидланган. Бундай текширишларни ўтказиш учун ички ишлар бўлимига 30 кун муддат берилган. Шу муддатда ички ишлар идораси ўзининг ижобий ёки салбий хулосасини бериши шарт. Агар мазкур шахсга нисбатан тергов иши олиб борилаётган ёки у судланган бўлиб, судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд бошқа салбий ҳолатларда ички ишлар идораси рад хулосаси бериши мумкин. Судланганлик олиб ташлангач, шахсга фамилия, исм, ота исмини ўзгартиришга рухсат берилиши мумкин. Ички ишлар бўлимининг хулосасини (ижобий тарздаги) олгач, ФҲДЁ идораси мудири шахснинг аризасини қаноатлантириш ҳақида хулоса тузади ва тегишли давлат божи тўловларини ундириб, далолатнома ёзувига ўзгартиришлар киритади ҳамда янги гувоҳнома беради.

Мисол учун яқинда ФҲДЁ бўлимига 14 ёшли ўспирин ўз исмини ўзгартиришни сўраб мурожаат қилди. Маълум бўлишича, унинг исми Итолмос бўлиб, шу сабабли тенгдошлар орасида мулзам бўлар экан. Табиийки, йигитчанинг илтимоси қондирилиб ўзи ва ота-онасининг истагига кўра, исми Ўктам қилиб ўзгартирилди.

Албатта, юқорида кўрсатиб ўтилган талаблар фақатгина узрли сабаблар бўлгандагина амалга оширилади. Шу сабабли ФҲДЁ органларида юқори малакали, ҳаётий тажрибага эга бўлган, билимли ҳуқуқшуносларнинг фаолият кўрсатиши талаб этилади.

Наргиза УМАРОВА,
Қуйичирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири,
Мастура АҲМЕДОВА,
Олмалиқ шаҳар ФҲДЁ бўлими инспектори.

Самарали фаолиятга бордир кафолат

Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, ҳар бир мамлакат иқтисодиётини етарли даражада ривожлантиришда жалб этилган инвестициянинг аҳамияти жуда катта саналади. Айтиш ўринлики, мамлакатимизда ҳам қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизими кенгайтирилди.

Қайд этиш ўринлики, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида адлия органлари томонидан ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 20 апрель ҳолатига кўра вилоятда мавжуд бўлган 34 та хорижий инвестициялар иштирокидаги яна бир қатор корхоналар билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ушбу корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида корхоналарда мониторинглар ўтказиб борилмоқда. Шунингдек, мониторинг давомида назорат қилувчи идоралар томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ўтказилаётган текширишлар доимий назоратга олинган бўлиб, текширишларнинг қонунийлиги мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2012 йил 1-ярим йиллик иш режасига кўра вилоятда мавжуд хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мониторинг қилинганда корхоналарнинг аксарияти ўз фаолиятини етарли даражада олиб бораётгани ҳамда мунтазам равишда устав жамғармаларини оширган ҳолда вилоятимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани маълум бўлди. Шу билан бирга, айрим қўшма корхоналарда муддати ўтган дебиторлик қарзлари бўйича муаммолар мавжудлиги ҳам аниқланди ва тегишли тартибда ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Хусусан, Қарши шаҳридаги «SERGORUS-UZ» Ўзбекистон — Литва қўшма корхонаси мониторинг қилинганда, қўшма корхона ва Нишон туманидаги «Нишон тола» масъулияти чекланган жамияти ўртасида ўзаро шартнома тузилганлиги ҳамда ушбу шартномага асосан қўшма корхона томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақи тўлиқ тўлаб берилмаётганлиги аниқланди. Ўз навбатида ушбу ҳолат юзасидан «SERGORUS-UZ» Ўзбекистон — Литва қўшма корхонасининг манфаатини кўзлаб «Нишон тола» МЧЖдан 4 999 041 сўм асосий қарз ва 2 299 558 сўм миқдорида пеня ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво ариза ҳозирги кунда вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилмоқда.

Мухтасар айтганда, юртимизда қулай инвестиция муҳитини яратиш учун қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва шакллантирилган ҳуқуқий ҳимоя тизими янада кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга тўлиқ имконият яратмоқда. Бу борадаги ишлар пировардида, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиб, ислоҳотларнинг ҳаётбахшлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Низомиддин НОРМАМАТОВ,
Қашқадарё вилояти Адлия бошқармаси масъул ходими.

Мустақиллик йилларида республикамизда оилага алоҳида эътибор берилди. Оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қайта кўриб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби оилага бағишланиб, 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилди.

Оила кодекси таъбир жоиз бўлса, қураётган иморатингиз пойдевори

Судлар, Васийлик ва Ҳомийлик идоралари, шунингдек, ФҲДЁ органлари фаолиятида синовдан ўтган ва ўзлаштирилган кўп йиллик тажриба янги Оила кодексида ўз ифодасини топди. Унга биринчи марта никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, оила муносабатларида маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланиши, алимент тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқа қатор муҳим қоидалар киритилди.

Мазкур кодекснинг мувафаққиятли жиҳатларидан бири — 4-моддасига Оила, оналик, оталик ва болаликнинг давлат ҳимоясига олинганлиги, шунингдек, оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазоворлиги каби нормаларнинг киритилганлиги бўлди. Бу эса оилага бўлган ҳурмат-эътиборнинг юқори поғонага кўтарилганлигининг яққол далолатидир.

Оилавий муносабатлар билан боғлиқ туғилиш, никоҳ каби Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ФҲДЁ органлари томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, кейинги йилларда ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари», «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги Йўриқнома», «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича Қоидалар» каби Қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ота-боболаримиз «Бир болага етти маҳалла ота-она» дейишлари бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 16-моддасида наслнасаб ва шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Зеро, ҳозирги замон гигиенаси ва хулосаларига кўра, бундай никоҳ номақбулдир. Бироқ яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ҳанузгача ФҲДЁ бўлимидан яширилган ҳолда қайд этилиши ҳоллари учрамоқда.

Кодекснинг 13-моддасига биноан Никоҳ тузишда қонуний тартиб белгиланган бўлиб, диний расм-русумларга кўра тузилган шаръий никоҳ ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Зеро, шаръий никоҳ эр ва хотинга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш учун асос бўлолмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Оила кодекси оилавий муносабатларни тартибга солувчи ягона ҳужжатдир. Оиланинг тинчлиги, фарвонлиги ва мустаҳкамлиги Оила Кодекси нормалари билан тартибга солинади. Оила нечоғли мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади, ота-боболаримизнинг «Мустаҳкам иморат қурмоқчи бўлсанг, унинг пойдеворини мустаҳкам қил, пойдевори мустаҳкам иморат қуламайди» деган нақлида маъно жуда кўп.

Орзигул ШУКУРУЛЛАЕВА,
Бухоро вилояти, Жондор туман ФҲДЁ бўлими мудираси.

«OSIYO FARFOR SERVIS» МЧЖ (СТИР 301684715) (ОКПО 23419428, ОКОНХ 16551) иш фаолияти тўхтатилганлигини маълум қилади. Таъсисчиларнинг 1-сонли қарорига асосан тугатиш бошқарувчиси этиб М.Нарзиев тайинланган. Дебитор ва кредитор қарздорлик бўйича эътирозлар 2 ой давомида қабул қилинади.

Чилонзор тумани 101, 195, 168, 179 сонли умумтаълим мактабларида 2012 йилнинг 11 июнидан ташкил этиладиган ёзги оромгоҳларнинг ошхоналарида хизмат учун танлов эълон қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 277-94-42, 277-97-64

Реклама ўрнида

Истеъмолчи манфаати йўлида

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ҳамда мутаносиб ривожланишида жойлардаги синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхоналарининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги кунда ҳудудларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сафи тобора кенгайиб бораётган бир шароитда синов ва сертификатлаштириш марказлари ходимлари тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатлари бериш, уларни халқаро, давлатлараро, миллий, корхона, тармоқ ва бошқа турдаги меъёрий ҳужжатлар — стандартлар билан таъминлаш каби жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар. Эришилаётган натижалар ҳам шунга мутаносиб бўлмоқда.

Масалан, бизнинг Сирдарё вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасида сертификатлаштиришнинг миллий тизимида белгиланган тартибларга асосан жорий йилнинг ўтган биринчи чорагида жами 416 та мувофиқлик сертификатлари берилди. Улардан 33 таси озиқ-овқат, 31 таси қишлоқ хўжалиги, 348 таси электротехника маҳсулотлари (назорат касса машиналари)га берилган мувофиқлик сертификатларидир.

Муҳим жиҳати: узлуксиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш натижасида вилоятда жойлашган корхона ва тадбиркорларга 27 та мувофиқлик сертификатлари берилди. Ҳар ҳафта жума кунлари вилоят ҳокимлигида ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида марказимиз масъул ходимлари фаол қатнашиб, тадбиркорлар олдида юзага келаётган соҳага оид масалалар тўғрисида тегишли маслаҳатлар беришаяпти.

Яна бир қулайлик: меъёрий ҳужжатлар фондимизда 2163 та меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Шундан 29 таси халқаро стандартлар, 1397 таси давлатлараро, 430 таси миллий стандартлар, 10 таси корхона, 282 таси тармоқ стандартлари бўлиб, 25 таси бошқа турдаги меъёрий ҳужжатлардир. Булардан тадбиркорларимиз доимо бемалол фойдаланиш имкониятига эгалар. Марказимиз қошидаги аккредитланган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ҳамда электротехника маҳсулотлари лабораториямиз томонидан вақтида ва сифатли синовдан ўтказилиши таъминланаяпти.

«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни олиб киришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори юзасидан марказимиз ходимлари сифатсиз озиқ-овқат ва алкаголь маҳсулотларининг сотилиши ва ҳудудга олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган доимий ишлар олиб боришмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш масалалари муҳокамасида «Ўзстандарт» агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори корхоналарда замонавий сифатни бошқариш ва сертификатлаштириш тизимларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек шу асосда тайёр маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигига қаратилди. Шундан сўнг биз ҳам «Сирдарё пахтасаноат» ХОАБ стандарти асосида сифат менежментини жорий қилиш юзасидан шартномалар тузиб, даврий режалар ишлаб чиқдик. Ҳозирги кунда шу асосда «Ховос дон маҳсулотлари» АЖ, «Сирдарёвино» ОАЖ, «Нафис либос» МЧЖларда сифат тизимларини сертификатлаштириш идоралари таҳлили олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида ўлчов воситаларини мажбурий давлат кўригидан ўтказиш учун метрологик қиёслов шартномалари тузилиб, «Метрология тўғрисида»ги қонун ижроси борасида вилоятдаги корхоналар ва ташкилотлар билан амалий ишлар олиб борилди. Натижада, ўлчов воситалари устидан давлат метрологик назорати бўлими томонидан 8254 дона ўлчов воситалари давлат кўригидан ўтказилди ва улардан 96 донаси яроқсиз деб топилди. Ушбу бўлим томонидан вилоятда сув, газ ҳисоблагичлар ва электрон электр ҳисоблагичларни давлат қиёсловидан ўтказиш бўйича Сирдарё ҳудудий «Электртармоқлари» ОАЖ, вилоят газ ФФМ бошқармаси, вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси ҳамкорлигида ишлар олиб бориш йўлга қўйилди. Бундан ташқари бўлимнинг ўлчов воситаларини қиёслаш лабораториялари ҳолатини янада яхшилаб, халқаро талаблар даражасига етказиш бўйича ҳам махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалдаги ускуналарни замонавийларига босқичма-босқич алмаштириш тадбирлари кўрилаяпти. Буларнинг ҳаммаси тизимда белгиланган йўл-йўриқларни тўла амалга оширишга ва пировардида, истеъмолчилар манфаати йўлида хизмат қилишга йўналтирилган фаолиятимиз жараёнлари, албатта.

Одилхон АҲМАДҚУЛОВ,
Сирдарё синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси директори.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан

Фарзандлар соғлиги — эл-юрт бойлиги

Мамлакатимизда болалар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий камол топишига яқиндан кўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар жараёнида ижтимоий-тиббий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда. Бу борадаги дастурлар, ижтимоий-тиббий лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида болалар сиҳатгоҳлари фаолияти йил сайин такомиллашиб бораяпти.

— Бизнинг Фарғона вилоят болалар силга қарши кураш сиҳатгоҳимиз — «Водил» санаторийсида сўнгги йилларда самарали тиббий лойиҳалар амалга оширилди, — дейди санаторий бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Нигора Асқарова. — Даволанувчилар учун ўрин-жойлар сони 130 тага етди. Ўғил ва қиз болалар учун ҳар бири 65 ўринли алоҳида икки қаватли шинам ётоқхоналар барпо этилди. 200 ўринли янги таомхонамиз табиий газ тармоғига уланди. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун замонавий совутгич қурилмалар ўрнатилди... Физиотерапия, стоматология, клиник лаборатория, уқалаш ва даволаш физкультураси сингари ихтисослашган бўлимларимиз, изоляция хоналари ва ёрдамчи хизмат бинолар сифатли таъмирланди... Хуллас, болалар ўртасида сил касаллиги тарқалишига қарши курашда рисоладигидек шарт-шароитга эга бўлдик. Фарзандларимиз ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида 120 нафарга яқин малакали шифокорларимиз-у ўз ишини сидқидилдан бажараётган ходимларимиз хизматидан дардларига дармон топаётган болалар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам миннатдор. Жамоамиз ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг қатъий тиббий меъёрий ҳужжатлари асосида олиб боради.

— Болаларни сиҳатгоҳга қабул қилиш жараёнлари қандай кечади?

— Энг аввало, врачларимиз томонидан қабул қилинган ҳар бир боланинг жисмоний ривожланишига баҳо берилади. Бўйи, вазни, нафас олиши тезлиги аниқланиб, кўкрак қафаси флюография қилинади. Туберкулин синамаси гиперергик реакция бўлган ҳолатда бирор беморнинг ўпкасида силнинг ўчоғли ўзгаришларига шубҳа туғилса, кўкрак қафаси рентгенография қилиниб, вилоят мутахассисларига маслаҳатга юборилади. Ҳар бир бола тор доирадаги мутахассислар кўригидан ўтиб, аниқланган касаллик даволаниб, соғломлаштирилади.

Ўтган йили окулист, жарроҳ, педиатр, эндокринолог, стоматолог мутахассислари томонидан 270 нафар бола кўрикдан ўтказилди. Ёндош касалликларга чалинган болалар соғломлаштириш даволарини олишди. Барча маълумотлар уларнинг тиббий баёнига киритиб борилади. Зарур тиббий тавсиялар боланинг санаторийда бўлган биринчи кунлардаёқ тайинланади. Кўрсатмалар бўйича болаларга силга қарши восита изониазид ва этамбутол тавсия этилади.

Шунингдек, улар витаминотерапия, дисенсибилизация воситаларидан ҳам фойдаланишади. Даволашда фитотерапия ҳам қўлланилади. Заруият бўлганда асосан 2 та дори воситаси ёрдамида олиб борилади, физиотерапиядан эса кенг фойдаланилади. Лаборатория таҳлиллари ҳар ойда қилинади ва ўтказилган 2-3 ойлик даволардан сўнг тиббий баёнларда хотима — даволаш хулосалари ёзилади. Улардан бир нусха даволанувчининг яшаш жойидаги СККДнинг болалар хонасига кўчирма юборилади.

— Сиҳатгоҳда дори-дармонлар етарлидир?

— Албатта. Дориҳонамизга келаётган дори-дармонлар асосан Қўқон шаҳридаги «Дори-дармон ҳиссадорлик жамияти»дан олинади. 2011 йилда ҳукуматимиз томонидан биргина дори-дармонлар учун 3.630.000 сўм миқдорида маблағ ажратилди.

— Даволанувчиларнинг овқатланиш тартиблари ҳақида ҳам маълумот бersангиз?

— Санаторийга озиқ-овқат маҳсулотлари асосан Фарғона шаҳридаги «Таъминот савдо» ташкилоти, агрофирма ва фермер хўжаликларидан келтирилади. Овқатланиш тартиби 5 маҳал. Ҳар бир даволанувчи учун бир кунлик овқатланишига 1589,24 сўмлик ҳажмда сарф-харажат белгиланган. Овқатларнинг тўйимлилиги 3200-3400 калорияни ташкил этади.

— Санаторийда мактаб ёшидаги болаларнинг ўқиши, спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар борми?

— Юқорида айтганимдек, барча замонавий шарт-шароитлар муҳайё. Масалан, 2010-2011 ўқув йили учун мактаб ва синф хоналари, кўргазмали қуроллар, техника воситалари, ўқув инвентарлари билан таъминланган 7 та синф ташкил этилди. Ўқувчилар тасдиқланган дарс жадвали асосида бир кунда 4-5 соатдан ўқишади. Рус ва инглиз тили фанларини ўқитиш учун синф хонасини лингафон билан жиҳозладик. Дарсдан ташқари пайтларда мусиқа, спорт мусобақалари, меҳнат тўгаракларимиз мунтазам ишлаб турибди. Бундан ташқари, мактабда кўғирчоқ театри, ўлкашунослик, рақс ҳамда ифодали ўқиш тўгаракларимиз йўлга қўйилган. Ўйин залларида турли эртаклар ва қизиқарли кинолар видеоаппарат ёрдамида намойиш қилинмоқда. Мароқли дам олишлари учун телевизор, магнитофон, мусиқа маркази билан ускуналанган ўйин залларимиз бор. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги давлат квалификация асосида тоифалар олишган. Қисқаси, сиҳатгоҳимизда даволанаётган фарзандларимиз бу ерда жорий этилган ижтимоий-педагогик хизматдан ҳам тўла баҳраманд бўлмоқдалар. Уларнинг соғлиги — элимизнинг, юртимизнинг тенгсиз бойлигидир.

Гулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.

Ноқонуний қурилиш — келтирар ташвиш

Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиботлари ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлашда ҳуқуқий асослардан бири бўлди. Хусусан, мазкур қарор шаҳарсозлик ҳужжатларини рўёбга чиқаришда аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини шакллантириш, уларни комплекс қуришда давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва қурилишга рухсат бериш тартиботларини соддалаштиришда катта роль ўйнади. Шунингдек, Давлат шаҳарсозлик кадастри ижросини таъминлаш ҳамда давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий органларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш борасида муҳим ўрин тутди. Жумладан, унинг асосида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияси тўғрисида намунавий Низоми қабул қилиниб, унда уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ваколатлари ва жавобгарлиги белгилаб қўйилди.



Ўтган давр ичида Сирдарё вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси ходимлари ана шу қарор ижросини таъминлаш ҳамда Низомда кўрсатилган вазифаларни бажаришда қатор ижобий ютуқларга эришдилар. Инспекция мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари, уй-жой массивлари, ирригация-мелиорация ҳамда гидроиншоотлар, соғлиқни сақлаш тизими объектлари, йўл қурилиши соҳаларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатини таъминлашда назоратни ҳар қачонгидан кучайтириб, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишида катта жонбозлик кўрсатдилар.

Ўтган йил давомида вилоятдаги қурилиш объектларида назорат тартибида текширишлар мунтазам ташкил этилиб, қурилиш нормаларига риоя этмаган пудрат ташкилотлари ва буюртмачиларга нисбатан 384 та ёзма кўрсатмалар берилди. Қурилишни смета ҳужжатларига мос олиб бормаганлиги, бажарилган ишлар сифатсиз бўлганлиги учун айрим объектлардан 1 206 949 500 сўмлик ишлар олиб ташланди ва пудратчиларга бу ишларни ўз ҳисобидан қайта сифатли бажариш вазифаси юклатилди. Масалан, объектларда аниқланган сифатсиз ишларни вақтида бартараф этиш юзасидан вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорат инспекциясининг кўрсатмаларини бажармаганлиги учун 103 та қурилиш ташкилотларига «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонунга асосан 93 910 100 сўмлик миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Бундан ташқари, бугунги муҳим вазифалардан бири — аҳоли яшаш жойларини кўркам, замонавий ҳудудларга айлантиришдек мақсадлардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ижроси таъминотида ҳам инспекция жамоаси фаол иш олиб бормоқда. Чунончи, вилоят маркази Гулистон шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талаблари ва миллий анъаналарга мувофиқ комплекс тикланишига оид қонун ҳужжатларининг моҳият даражаси муфассал ўрганиб борилмоқда. Ноқонуний қурилишларни амалга оширган фуқароларга қонун бузилиши ҳолларини тезда бартараф этиш юзасидан талабномалар юборилмоқда. Шунингдек, вилоятнинг Ширин шаҳри, Ховос, Гулистон туманларида ҳам мазкур қарор ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриляпти.

Мақсад — юртимизнинг ҳар бир гўшасини кўркам ва обод масканга айлантириш учун ноқонуний қурилишлар олдини олиш бўлиб, бундай қурилишлар бошга ташвиш солишини ҳар бир фуқарога вақтида етказишдир.

Азамат ИБРАГИМОВ,
Сирдарё вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи,
Давур ЖОЗИЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Ишлаб чиқариш ривожи — иқтисодиётнинг реал ўсиши дегани

Ислоҳотлар самараси ва одамларнинг ижтимоий аҳволи тобора фаровонлашиб боришида бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш, унификация қилиш ҳамда солиқ юкини камайтириб бориш, шубҳасиз, катта аҳамият касб этмоқда. Халқимиз турмуш даражасини оширишга асос қилиб олинган ушбу сиёсатнинг йилдан-йилга изчил амалга оширилиши иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминламоқда.

Масалан, кейинги пайтларда биргина ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 31 фоиздан 24 фоизгача пасайтирилиши эвазига Фарғона туманида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ихтиёрида ўтган 3 йил мобайнида 1695,0 миллион сўмга яқин маблағ қолиш имконини берганлигини эътироф этишнинг ўзи кифоя. Бу эса инвестицияларни кенгайтириш ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни кўпайтириш, пенсия тўловларини молиялаштириш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда ҳамда солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини оширяпти. Натижада, бюджет даромадлари қисқармасдан, иқтисодиётнинг реал ўсиши жадаллашаётир. Айниқса, оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналар, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланиб, уларни микрокредитлаш тизимлари рағбатлантирилмоқда.

Аммо хўжалик юритувчи субъектларида ўтказилган текширишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш, солиқ солинадиган базани аниқлаш, солиқ имтиёзларидан фойдаланишда ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ва солиқ солинадиган оборотларни нотўғри аниқлаш каби қонунбузарликлар ҳам йўқ эмас. Ана шуларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Президентимизнинг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги қарори билан ягона ижтимоий тўловлар тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида унинг базавий миқдори киритилди. Унга кўра, 2009 йил 1 январдан бошлаб, ягона ижтимоий солиқни қўлпайтириш, пенсия тўловларини молиялаштириш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда ҳамда солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини оширяпти. Натижада, бюджет даромадлари қисқармасдан, иқтисодиётнинг реал ўсиши жадаллашаётир. Айниқса, оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналар, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланиб, уларни микрокредитлаш тизимлари рағбатлантирилмоқда.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар (фермер хўжаликлари бундан мустасно) ҳар бир ходим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаши жорий этилди. Фермер хўжаликлари эса ҳар бир ходим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида иш ҳақи тўловини амалга оширишлари назарда тутилди.

Ягона ижтимоий тўлов тўловчилари мазкур тўловни ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилигига ва уни ўз вақтида тўлашга жавобгар қилиб белгилаб қўйилди. Ана шу нуқтаи назардан бизнинг Фарғона туман Давлат солиқ хизмати органи ходимлари ягона ижтимоий тўловнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан доимий назоратни қатъий йўлга қўйдилар. Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби бузилган ҳоллар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдоридан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ (пеня ҳисобланган ҳолда) ягона ижтимоий тўловни қўшимча ҳисоблаб чиқармоқдалар. Бунда қўшимча ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси тўловчи ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан ундирилмоқда ва фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган фойдадан чегириб қолинаётгани йўқ.

Илҳом АЛИМОВ,
Фарғона туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

Кучли ғоялар ҳамиша ғолиб

Шарҳ

Май ойи Европа тарихида янги саҳифа очилган ой бўлди дейиш мумкин. Бироқ бу ўзгаришларни Европанинг "бош оғриғи" сифатида баҳолаётган таҳлилчилар ҳам йўқ эмас.

Гап шундаки, 6 май куни Францияда президент сайловлари, Грецияда муддатидан аввал парламент сайловлари ўтказилди. Францияда Бешинчи республика тарихида энг кам муддат давомида президентлик қилган Николя Саркози мағлубиятга учради. Ҳокимият тепасига эса чорак аср ўтиб, социалистлар келишди, келганда ҳам Европа ва Франция учун мислсиз ваъдаларни бериб келишди. 1905 йилда ташкил топган Франциянинг Социалистик партияси ғоясига кўра, социал-демократик принципларга яқин туради. Партиянинг энг гуллаган даври 1981 йилга тўғри келади. Ушанда улар Франсуа Миттеран бошчилигида ҳам президентлик, ҳам парламент — Миллий ассамблеяга ўтказилган сайловларда ғалаба қозонишган. Бироқ 2002 ва 2007 йиллардаги сайловларда социалистларга омад кулиб боқмади.

Грецияда эса еврохудудда қолишни истаган, қаттиқ иқтисодий тежамкорликни ваъда қилган коалицион ҳукумат ҳам янги ҳукуматни шакллантириш учун етарли овоз йиғолмади. Боз устига, парламентда ғазаб отига минган юнон ёшлари қарашларини илгари сурган ультрамиллатчилар кўп овоз олиб, ўз фракциясини тузиш ваколатига эга бўлишди.

Европанинг яна бир муҳим нуқтаси — Испанияда ҳам вазият борган сари оғирлашиб, Греция ва Франциядаги ҳолатнинг такрорланиш эҳтимоли катталашиб бораяпти. Чунки ушбу мамлакатда ишсизлик сони рекорд даражага етди. Ҳар тўрт нафар ишга лаёқатли испаниялик ишсиз.

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган мавзу — Франция Социалистларнинг ҳокимият тепасига келиши "кўҳна қитъада" бир томондан социал-демократия ғояларига ишончни мустаҳкамлади, иккинчидан турли хавотирларни келтириб чиқармоқда. Хўш, бу хавотирнинг сабаби нимада? Сайловларда Николя Саркозини мағлубиятга учратган партия вакиллари халққа нималар ваъда қилганига аниқлик киритсак, бунинг сабаблари ойдинлашади.

Сайлаш — ишонч билдириш демакдир. Демак, сайланган вакиллар ўз-ўзидан халқ ишончига сазовор бўлган инсонлардир. Бундай вазиятда уларга қўйиладиган ягона талаб — ўзларига билдирилган ишончни оқлаш, қабул қилинаётган ҳар бир қонун ёки қарорда халқ манфаатини ифода этишдир.

Социалистлар етакчиси Франсуа Олланд ҳам шундай ишончни қозониш мақсадида сайловолди дастурида бир қатор юқори оҳангдаги ваъдаларни илгари сурди. Президент ва вазирларнинг маошини 30 фоизга қисқартириш, молиявий транзакциялар учун солиқ солиш, саноат салоҳиятини кучайтириш, атом энергетикасига қарамликка барҳам бериб, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, давлат секторида янги иш ўринларини яратиш: 60 мингта ўқитувчилар учун, 150 минг ёшлар учун, Европа Иттифоқи доирасида Бюджет интизоми тўғрисидаги шартномани қайта кўриб чиқиш, йилига 1 миллион евродан ортиқ даромад топадиган французлар учун даромад солиғини 41 фоиздан 75 фоизга кўтариш, бюджет тақчиллигини 5 фоиздан 3 фоизга туширишга, пенсия ёшини 62 дан 60 ёшга туширишга. Кўриниб турибдики, Социалистлар илгари сураётган ғоя социал-демократия ғоясига ҳамоҳанг. Демак, бу одамларнинг баландпарвоз ваъдаларни илгари сураётган сиёсий кучлардан чарчаганлигини намойиш этмоқда.



Бироқ бу каби чора-тадбирлар бугунги кунда Германия томонидан илгари суриб келинаётган имкон қадар "тежаш" сиёсатидан фарқ қилади. Ваҳоланки, бундай тежамкорлик йўлидан борган Николя Саркози ҳам ушбу сиёсатни давом эттирмоқчи эди. Аммо "тежамкорлик"дан кўра иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган Олланд сайловда ғолиб чиқди. Негаки, эртага пенсиянг камаяди, дейилса, сайловчилар унга овоз бермасликлари аниқ эди.

Европа Иттифоқи, ҳақиқатда, жиддий бош оғриғига йўлиқди. Гап шундаки, бугунда Еврохудудга аъзо мамлакатларнинг деярли барчаси иқтисодий инқироздан имкон қадар тезроқ чиқишнинг йўли сифатида бюджет маблағларидан ўта қаттиқ тежамкорлик билан фойдаланишни, яъни ижтимоий соҳа харажатларини қисқартириш, давлат ташкилотларида ишчилар сонини камайтириш каби принципиал ислоҳотларни амалга оширишни мўлжалламоқда. Хуллас, Германия ва Франция ташаббуси билан еврода муомала қиладиган давлатлардан бюджет тақчиллигини 3 фоиздан оширмасликлари талаб этилади.

Тан олиш керак, Еврохудуддаги давлатлар, умуман, евронинг истиқболдаги тақдири кўп жиҳатдан Германия ва Францияга, уларнинг нечоғли бир-бирини тўғри тушунмоғи ва кўзланган мақсадларга нақадар қатъият билан боришига боғлиқдир. Чунки бу икки давлат Европа Иттифоқининг локомотивлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Олланд биринчи хорижий ташрифини Германиядан бошлади.

Олланд жанобларининг сайловолди штаби президент сайловолди ваъдаларининг барчасини бажариши хусусида баёнот тарқатмоқда. Хусусан, НАТОнинг Чикаго саммитида Олланд француз қўшинларини Афғонистондан муддатидан илгари, шу йилнинг охирига қадар олиб чиқиш масаласини кун тартибига қўйди. Эслатиб ўтамиз, Олланд сайловда 51,6 фоиз, яъни 18 миллион 438 нафар сайловчи овозига эришган бўлса, Николя Саркози 48,38 фоиз, аниқроқ айтганда, 16 миллион 869 минг 371 нафар кишининг ишончига эришди.

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган мавзу — Францияда Социалистларнинг ҳокимият тепасига келиши "кўҳна қитъада" бир томондан социал-демократия ғояларига ишончни мустаҳкамлади, иккинчи турли хавотирларни келтириб чиқармоқда. Хўш, бу хавотирнинг сабаби нимада? Сайловларда Николя Саркозини мағлубиятга учратган партия вакиллари халққа нималар ваъда қилганига аниқлик киритсак, бунинг сабаблари ойдинлашади.

Таҳлилчилар фикрича, Олланд ғалабасига нафақат социалистларнинг кучли сайловолди ташвиқоти, балки Саркози йўл қўйган хатолар ҳам сабаб бўлган. Иқтисодиётнинг издан чиқиши, жиноятчиликнинг ортиши сайловчиларнинг амалдаги президентдан юз ўгиришига олиб келган асосий омиллардандир.

Бундан ташқари, у 2007 йилги муҳожирлар оқимини тўхтатиш тўғрисидаги ваъдасини бажаролмади. Вақт ўтиб ваъдалар унутилди. Навбатдаги сайловлар авжига чиққан бир пайтда рейтингини кўтариш мақсадида Саркози виза режими жорий қилинмаган Шенген ҳудудига аъзо давлатлар ноқонуний миграцияга қарши чоралар кўришда муваффақиятга эришмаса, ўз мамлакатининг ушбу ҳудуддан чиқишини баён этди. Бироқ нима бўлганда ҳам сиёсий курашда ғояга, дастурга ишонтира олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда, табиийки, кимнинг ғояси кучли, ҳақиқатга яқин бўлса, ўша ғолиб чиқади.

Энди Франция ва унинг янги президенти олдида бир қатор ечилиши керак бўлган жиддий муаммолар кўндаланг турганини унутмаслик даркор. Вазият шу қадар жиддийки, сиёсатшунос ва иқтисодчиларнинг фикрича, Франсуа Олланд қатор тузилмавий ислоҳотлар ўтказмаса, инқироз асоратларини бартараф этиш мушкуллигича қолаверади. Гарчи Франция иқтисодиёти дунёда олтинчи ўринда турса-да, ҳозирги мураккаб вазият ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларни қисқартиришни талаб этмоқда. Бошқа томондан, Ғарбий Европанинг етакчи мамлакати савдо тақчиллигидан ҳам азият чекмоқдаки, оқибатда миллий иқтисодиётнинг ўсиши унинг айрим қўшнилари билан солиштирганда унча катта эмаслиги яққол сезилиб қолмоқда. Қолаверса, Францияда ишсизлик даражаси ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори бўлиб, меҳнатга қобилиятлиларнинг атиги 68 фоизи доимий иш билан таъминланган, холос. Ишсизлик даражаси эса 8,3 фоиз атрофидадир. Талабалар ва битирувчиларда ишга жойлашиш имкониятининг йўқлиги ҳам жиддий муаммо туғдираяпти. Шунинг учун ҳам бандлик муаммоси номзодлар томонидан сайловолди кампанияси даврида муҳокама қилинган энг асосий мавзулардан бири бўлди. Дарвоқе, сайловолди кампаниясида номзодлар ташқи сиёсат масалаларига жуда кам эътибор қаратганларини таъкидлаш лозим. Чунки бугунги турғунлик шароитида сайловчиларни кўпроқ ички масалалар, айниқса, иқтисодий қийинчиликлардан қандай чиқиш масаласи кўпроқ қизиқтириши табиий эди. Ҳамма гап энди сайловларда берилган ваъдаларнинг устидан чиқишда қолди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ.

Сайёҳ кундалигидан

Хитойнинг бош ҳаво бандаргоҳидан бошлаб ёмғир қарши олди бизни. Май оёқлаганига қарамай, Пекин ҳавоси хийла салқин ва намхуш. Булутлар тирикчилик ташвишида чумолидек ғимирлаётган одамлар андак ҳордиқ чиқарсин дегандек меҳрибонлик билан қуёш тафтини тўсади, ҳафсала билан оби раҳмат улашади... Дунёда сайёҳ зотидан-да қизиқувчан халқ йўқ! Шаррос қуяётган ёмғир ҳам писанд эканми, меҳмонхонага жойлашиб-жойлашмай, шаҳар айланишга тушиб кетдик. Ҳали борадиган-кўрадиган жойлар кўп, вақт эса тиғиз — илдам ҳаракат қилмасак бўлмайди.

Пекин баҳори

Оғиркарвон мўйсафид ҳузурида

Пекин — Чин давлатига неча асрлардан бери садоқат билан пойтахтлик қилиб келаётган кент. Солномаларда бу ерда милоддан аввалги биринчи мингйилликдаёқ шаҳар қад ростлагани қайд этилган. Маҳаллий аҳоли ҳам: "Одамзот ерда палак ёзиши билан Пекин пайдо бўлган" дейди ҳазил оҳангида. Ўтмишда кўҳна шаҳар бошида талай мустабидлар қилич сермаб ўтган. Шунданми, Пекин кўпни кўрган, оғиркарвон, вазмин мўйсафид тимсолида гавдаланади. Эшитган чиқарсиз, ўрта асрларда туркийлар Пекинни "Хонбалиқ" деб атаган. XIV аср охирларида Чинга сафар қилган италиялик жаҳонгашта Марко Полонинг шоҳидлик беришича, ўша маҳаллар Пекин Венециядан ўн баробар катта бўлган. Венеция эса ўрта асрлар Европасининг учинчи йирик шаҳри эди...

Пекин бугун ҳам рубъи маскуннинг маъмур кентларидан бири. Бир қарашдаёқ, шаҳарнинг бетакрор меъморчилиги эътиборни тортади. Мунаққаш қопқа олдида улкан арслон чўзилиб ётган, алвон томли кўҳна бинолар бир тараф (хитойликларнинг азалдан ҳайвонлар шоҳига ихлоси баланд, иморатларнинг киришида шер ҳайкаллари савлат тўкиб туради). Офтоб нурида камалакмонанд жилва таратаётган, осмонўпар ойнабанд иморатлар бир тараф. Кўкка бўй чўзган иморатга маҳлиё бўлиб ўрта асрлар Хонбалиғига кириб қолганингизни сезмай қоласиз. Тор кўча, пастак ёғоч уйли хутунлар ўтмиш мероси сифатида сақлаб қўйилган. Янги бунёд этилган биноларда эса замонавийлик ва тарихийлик маҳорат билан қоришторилгани яққол сезилади. Қадимдан хитойликлар оламни беш унсур: ёғоч, сув, олов, тупроқ ва маъдан уйғунлигидан иборат деб билади. Иморатларга ҳам шунчаки жонсиз иншоот эмас, моддий ва маънавий дунёни бирлаштирувчи восита деб қаралади.

Аҳоли сони шиддат билан ошаётган, корхоналар кундан-кун кўпаяётган бир пайтда атроф-муҳит ифлосланиши Пекин маъмуриятининг асосий "бошоғриқ"ларидан бири. Бунинг устига, шаҳар аҳли сабрини синамоқчидек вақти-вақти билан бўрон бош кўтаради: шимолдаги биёбондан қум галаси бостириб келади. Лекин табиат инжиқликлари ҳам шаҳарни ораста ва хушманзара тутишга тўсқинлик қилолмайди. Голландияни гуллар мамлакати деганлар Пекинда бўлмаганмикин дейсиз! Ҳар қадамдаги анвойи гуллар қулфи дилингизни очади. Ҳатто кўп қаватли уйларнинг томлари, осма айвонларига ҳам тупроқ олиб чиқиб, мўъжаз чаманзорга айлантирилган. Одми кийинган боғбон-хизматчилар гулларни уззукун парваришлайди, яшил гилам — чимни эпақага келтиради.

Хитойликлар сўнгги йилларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга зўр бераяпти. Кўчаларда қуёш нуридан энергия олувчи ускуналар бот-бот кўзга ташланади. Бизга йўлбошчилик қилган Чжан хонимнинг ҳикоя қилишича, бу ерда йўлларни яхшилаш учун пул аяб ўтирилмайди. Чиндан ҳам, текис ва равон йўллар, ўргимчак тўридек ёйилган маҳобатли кўприклар ҳаракат тиғизлигини камайтиришга хизмат қилади. Ахир, икки миллиондан ошиқ автомобиль рўйхатга олинган шаҳарда йўлсозликка жиддий эътибор қаратилмаса ҳам бўлмайди-да!

Қўлбола "Rolex"га тобингиз қалай?

Пекинликлар — уддабурон ва тили бурро тужжор халқ. Бозору дўконларда анойилик қилсангиз, тамом, чўнтагингизни қоқлаб олишлари ҳеч гап эмас. Савдогарлар молини кифтига келтириб мақтайди, "билса ҳазил, билмаса чин" қабилида отнинг калласидек нарх айтади. Харидор мақтовларга пинак бузмай, талашиб-тортишиши, эринмай савдолашиши керак. Расми шундай! Молини, дейлик, 1000 юань деб оёқ тираб турган тужжор обдон савдолашувдан кейин 50 юанга ҳам кўна қолиши мумкин.

Пекинда бир лаҳза ҳам зерикмайсиз, ҳайратлар шаҳри бу! Европа бозорида фалон евро турадиган "Rolex" қўлсоатининг хитойи нусхасини "кепак пули"га оласиз. Американликлар турнақатор навбатда туриб харид қилаётган "iPhone" савдо расталарида арзимас аҳчага пулланади. Пекин шундай ҳотамтой шаҳар, барчага "бир соатлик халифа бўлиш" имконини беради. Халқи ижодкор, янгиликка ўч: дунё бозорида бирор янги маҳсулот пайдо бўлса, тезда унинг икки томчи сувдек ўхшашини яратади.

Нусха кўчириш ўз йўлига, аммо холис айтганда, Европаю Американинг энг номдор дўконлари пештахталарини тўлдириб турган сара моллар айни шу мамлакатда ишлаб чиқарилади. Ўтмишда қоғоз, ипак, чинни каби ноёб кашфиётлар муаллифи бўлган миллат бугун ҳам тараққиёт араваси шитоб ҳаракатланиши учун туну кун тер тўкаяпти. Пекиннинг Чжунгуаньцун даҳаси "Хитойнинг Силикон водийси" деб аталади. Қилни қирқ ёрадиган электроника гигантларини ҳам шошириб қўяётган технология мўъжизалари шу ерда йўқдан бор қилинади.

Япроқ барибир ерга тўкилади

Пекин мамлакатда нуфузи бўйича биринчи, нуфуси бўйича эса Шанхайдан кейин иккинчи ўринда туради. Кўҳна кент 20 миллиондан ошиқ аҳолини, яна аллақанча сайёҳларни бағрига сиғдирган. Хоқон кўрган, тагли-зотли шаҳар бу! Тарихий меросга ҳурмат ҳисси, қолаверса, томирида оқаётган аждодлар қони одамларига куч беради, чамаси. Маҳаллий аҳоли ниҳоятда меҳнатсевар, куйди-пишди, тиниб-тинчимас. Шафқатсиз рақобат туфайли жонини жабборга бериб ишлайди. Лекин машаққатли синовларга қарамай, одамлари некбин кайфиятда! Кўча-кўйда, боғ-хиёбонда рақс тушаётган, қўшиқ айтаётган ёш-яланг, ҳатто қариялар учрайди. Йўлбошловчимизнинг тушунтиришича, одамлар куй ва рақс орқали чарчоғини ёзади, кайфиятини кўтаради.

"Дарахт қанча юксак бўлмасин, япроқлари барибир ерга тўкилади", дейди хитойликлар. Пекин аҳолиси ҳам одамшинавандалиги, камтаринлиги билан тилга тушган. Шунча мўъжизаларга қўл уриб қўйиб, ҳеч нарса қилмагандек риоягарчилик билан боқади, табассум қилиб тураверади.

Марказий хиёбонлардан бирида тош йўлга хуснихат билан неларнидир ёзаётган қария диққатимизни тортди. Ёши 90 га бориб қолган отахон хуснихат машқини қилаётибди экан! Қўлидаги чўткани сувга ботириб, маъноси бизга қоронғу иероглифларни ёзади. Қарияга қасд қилгандек бобо қуёш битикларни бир зумда қуритиб юборади. Лекин отахон таслим бўлгиси келмай чўткасини сувга ботириб яна недир ҳикматларни битади. Офтоб жаҳл билан сувёзувни буғга айлантиради. Қариликни ҳали бўйнига олмаган нуроний кучли иштиёқ билан яна иероглиф доналарини сочади... Бу ҳолат такрор ва такрор давом этади. Исмию касби номаълум ана шу мўйсафид тиришқоқ, чўнг иродали хитойликларнинг рамзи бўлиб туюлди менга.

Собиржон ЁҚУБОВ,
журналист.

Кичик бизнес субъектлари диққатига!

Реклама ўрнида

Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдоси эълон қилади

Объект номи:
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги Алишер Навоий номидаги кинотеатрнинг том ва фасад қисмини жорий таъмирлаш.
Муддати — 1.10.2012 йил.
Бошланғич нархи — **256 751 300 сўм ҚҚС билан, 213 959 417 сўм ҚҚСсиз.**
Буюртмачи: **«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.**
Манзил: **Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй.**
Тел: 8 (373) 224-24-33.
Таъмирлаш ишлари: маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Кичик бизнес субъектлари учун квота 100 фоиз.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй.
Тел/факс: 224-18-71, 224-78-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб **ўттиз (30)** кундан кейин, **Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уйда ўтказилади.**

Мустаҳкам оила — юрт таянчи

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳакимбек отаси олдида ақлан, маънан ва жисмонан баркамоллигини исботлагач, чинакам Алпомишга айланади. Алишер Навоий икки дунё саодатига эришмоқни истаган фарзандларга, аввало, ота-она ризолигини олишни уқтираркан, «бирисини ой англа, бирисин қуёш» дейди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги ўша машҳур диалогни эслайлик: «Ўғлим, ҳали сан эшитдингми, йўқми, ҳайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик», — дейди Юсуфбек хожи. «Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилған ишлари, албатта, номаъқул бўлмас», — дея жавоб қайтаради Отабек.

Булар — ота-она ва фарзанд муносабатида халқимизга мансуб юксак маънавиятнинг энг ғўзал ифодаларидир. Хўш, бугун оилавий муносабатларда бу каби теран ички маданият намуналари қай даражада? Таассуфки, баъзан оила аъзолари ўртасида бир-бирини эшитмаслик ҳолатларига тез-тез дуч келамиз. Айтайлик, кечки овқат маҳали оила аъзолари жам бўлади. Кўп оилаларнинг овқатдан кейинги гурунгларига қулоқ солсангиз, уларнинг жисман яқин ўтиргани билан кўнгли бир-биридан жуда олисдай, кечинмалари бегонадай туюлади. Қўшнининг ғийбатига топилган вақт ўзаро ҳол сўрашга келганда ноёб неъматга айланади.

Ўзбек оиласида ўғил-қизлар феъл-атвори, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон, қарашлар — яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат, ор-номус, юртга садоқат, ота-онага ҳурмат, андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори бўлиб, улар шубҳасиз, даставвал оила шароитида шаклланиб боради. Шу боиски, азалдан оилаларда ўғил ва қиз тарбиясига боболаримиз ва момоларимиз алоҳида эътибор билан қарашган. Ҳатто хонадонимизга бирор киши бизни сўраб келган тақдирда ҳам тарбиянинг муайян тартиб-қоидаларига амал қилинган. Ўғил бола ота йўқлигини билдирмай келган киши билан мулоқотда бўлиб, ичкари ҳовлига киргандан сўнг мулоқот тафсилотини оила аъзоларига маълум қилган. Қизларимизнинг ориятли бўлиши, шарму ҳаёси ҳаётимизнинг энг асосий негизини ташкил этган. Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборотларнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг «қуш уясида кўрганини қилади», деган доно мақоли, ана шу фикримизнинг инъикоси, десак муболаға бўлмас.

Одамзод учун бир умр зарур бўлган табиий қўникма ва хусусиятлар (масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши, буларнинг барчаси) аввало, унинг туғма табиати ва шу билан бирга, оилада олган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради. Айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма қоғоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига шимиб-сингдириб олади. Унинг ота-онасига, бобо ва момоларига меҳри ва ҳурмати, ўзини ўраб турган муҳитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради. Қисқача айтганда, хонадондаги ҳар бир нарса: дарахт ва ўсимликлар бўладими, турли ўйинчоқлар, уй ҳайвонлари бўладими — буларнинг барчаси боланинг кўзига гўёки оламнинг беқиёс мўъжизаси бўлиб кўринади ва шу тариқа у ёруғ дунёни ўзи учун кашф қилади.

Афсуслар бўлсинки, баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг ана шундай қизиқишлари ва интилишларига, унинг онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш рўй бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига аҳамият бермайди. Боз устига, агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига қўпол муомала қиладиган бўлса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, вақти-соати келиб, унинг феъл-атворида нохуш одатлар намоён бўлади. Ёки оилада қўни-қўшниларни кўролмаслик, фисқу фасод, иғво муҳити ҳукмрон бўлса, шубҳасиз, булар ҳам бола хотирасида оғир асорат қолдиради. Умуман, оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ё худбин ва бағритош бўлиб вояга етишишини тушуниш қийин эмас. Биз ўз фарзандларимиз бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-кўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам уларнинг шаклланиб келаётган мурғак қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай масъулият борлигини унутмаслигимиз жоиз бўлади. Демакки, оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун, аввало, ҳар бир хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айни муддаодир.

Илгари оилавий китобхонликлар урф бўлгани боис оталар китоб ўқиб, оналар эртак айтиб берган. Фарзандлар тасаввури ҳам эртагу афсоналар, достону маталлар қаҳрамонлари воситасида шаклланган. Бугун эса китоблар ўрнини телесериаллар, турли кино ва клиплар эгалламоқда. Интернет имкониятлари ҳам китобхонликдан кўра, эрмакка эш бўлишга хизмат қилаётир. Энг хавотирлиси, оилавий жам бўлиб, ёппасига телесериал кўрилмоқда. Ҳолбуки, уларни ҳамиша ҳам оилавий томоша қилиш хайрли тугамайди.

Оилани мустаҳкамлашда майда масаланинг ўзи йўқ. Хонадонда ота ўрни ва обрўсининг юксалиши ҳам, унга путур етиши ҳам шу каби майда масалаларнинг қай тариқа ҳал этилишига боғлиқ. Шу боис, халқимиз ўғил болага рўзғор юритиш ва оилани ҳимоя қилиш, қизларга ошхона ишлари ва сарištаликдан сабоқ беришга қадим-қадимдан алоҳида аҳамият қаратган. Бироқ бугун ёшларнинг, айниқса, ўғил болаларнинг оила қуриш ва бошқаришга тайёр эмаслиги ҳақида бот-бот гапирилмоқда. Бунга энг кучли таъсир воситалари бўлган кинофильмлар ҳам «кўмаклашмоқда». Масалан, «Ўзимдан ўзимгача» фильми қаҳрамонларидан бири — Ойша ўғил болани калтаклаб, унга аёл либосини кийдириб, сигир соғишга мажбур қилади. Якунда ўша бола шу қизга ўйланади. Ўйлаб кўрайлик: бундан ўғил болалар ё қизлар нима маъни ва қандай ибрат олиши мумкин? Алпомиш барча шартда қалмоқларни мағлуб этиб Барчинга эгалик қилишга муносиблигини исботлайди. Отабек ўз оиласи орини ҳимоя қилиш учун уч одам билан якка олишиб, енгади. Шу боис унга Кумушнинг муҳаббати ўн чандон ошади. Бу фильмдаги бола эса қиздан калтак еб, сигир соғиб юрибди. Йигитнинг орномуси, ғурур-шаъни ҳақидаги қарашларимиз, эркакни суянгулик елка деб англаш ва англатишларимиз қаёқда қолаяпти? Умуман, бу каби сюжетлар йигитларимизни эртага ким қилиб тарбиялайди? Ўз оиласини асролмаган одам эл-юртга нима наф келтира олиши мумкин.

Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим ўрин тутишини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу ният ва интилишлар билан яшайди.

Албатта, ҳар бир бандага ризқ-насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриёдини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамият касб этишини унутмаслигимиз зарур. Бугунги кунда биз қилаётган барча ишлар фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Шу ҳақиқатан келиб чиққан ҳолда, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдигаи маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда ҳаммамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланиши зарур.

Илгари оилавий китобхонликлар урф бўлгани боис оталар китоб ўқиб, оналар эртак айтиб берган. Фарзандлар тасаввури ҳам эртагу афсоналар, достону маталлар қаҳрамонлари воситасида шаклланган. Бугун эса китоблар ўрнини телесериаллар, турли кино ва клиплар эгалламоқда. Интернет имкониятлари ҳам китобхонликдан кўра, эрмакка эш бўлишга хизмат қилаётир. Энг хавотирлиси, оилавий жам бўлиб, ёппасига телесериал кўрилмоқда. Ҳолбуки, уларни ҳамиша ҳам оилавий томоша қилиш хайрли тугамайди.

Шу боис биз мустақиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келмоқдамиз. Мамлакатимиз Конституциясида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилгани, шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли ҳуқуқий пойдевор яратилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, оила соғлом бўлса, ўсиб келаётган фарзандларимиз ҳам ўз мақсадларига етиш билан бирга мамлакат ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Илҳом МУРОДОВ,
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи юридик фанлари номзоди, полковник.

Дониёр БАХРОНОВ,
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи тарих фанлари номзоди, подполковник.

“Хайр, мактабим...”

Мулоҳаза

Бугун мактабларда сўнгги қўнғироқ жаранглайдиган кун. Беихтиёр олис хотиралар ёдга тушади:

Охирги қўнғироқнинг овозини тинглаб жим,
Адоқсиз хаёлотлар қанотида сузаман.
Шу лаҳзада ўн йилнинг сеҳрли интиҳосин
Сезаману, дилимда қайноқ ҳислар туяман...

Бироқ хаёлот қанотида узоқ сузишнинг иложи йўқ: “воқелик” аталмиш қудратли тортиш кучи сизни бир пасда қаттиқ заминга тушириб қўяди. Зеро...

Бу мавзуда кўп гапирилди, матбуотда чиқишлар ҳам бўлди. Таассуфки, муаммо барҳам топиш ўрнига тобора болалаб кетмоқда. Гап мактабларимизда тобора урф бўлиб бораётган дабдабали битирув оқшомлари ҳақида.

Шубҳасиз, мактабни битириб, мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйиш инсон ҳаётида катта ва унутилмас воқеа бўлиб қолади. Аммо бу воқеани шу қадар дабдабали нишонлашнинг нима ҳожати бор? Қани бу ерда мантиқ? Нима, кейинчалик мактаб деганда фақат битирув оқшомини эслаб юриш учунми? Ё бўлмаса ўсмирлик билан фақат тўкин дастурхон устида хайрлашиладимми?

Қанчалик ғалати туюлмасин, гапни кичинтойлардан бошлайлик. Ўтган йили айрим мактабларда бошланғич синфни тугатганлар ҳам ўзига хос “битирув оқшоми” ўтказишди. Яъни болалар аввалига тўрт синфни орқада қолдирганликлари шарафига мактаб залида концерт уюштириб беришди. Бунинг учун ҳар бир ота-она фарзандига ўрта ҳисобда 25 минг сўмлик кийим олди дейлик. Шундан кейин битирувчиларнинг байрами қаҳвахонада, хайриятки, кундузи давом этди. Бу ҳам ҳар бир ота-она учун камида 25 минг сўмдан тушганини ҳисобга олиб қўйинг. Яна бунга болани шаҳар марказидаги қаҳвахонага олиб бориш, олиб келиш харажатларини қўшинг.

Аёнки, ҳеч ким ўз фарзандидан пулини аямайди. Аммо бола бор-йўғи тўртинчи синфни битиргани шарафига сарфланган шунча маблағ мана шу болаларнинг ўзига китоб, журнал сотиб олиб беришга, қўғирчоқ театрига, ҳайвонот боғига, музейга олиб боришга ишлатилса яхшироқ самара бермасмиди?

Аммо булар ҳали ҳолваси. Зеро, ҳеч қайси “битирув оқшоми” тадбирлари ўзининг кўлами ва серхаражатлиги билан мактабга тенг келолмаса керак.

Балки адашаётгандирман, аммо назаримда тўққизинчи синф ўқувчилари камида ярим йилдан бери ўқишни ҳам унутиб, фақат “битирув оқшоми”га тайёргарлик кўриб келишаётгандай. Ўзингиз бир тасаввур этиб кўринг: “оқшом” учун қиз болага ҳам, ўғил болага ҳам янги либос. Яна унча-бунчасидан эмас, энг сўнгги русум бўлганидан. Ҳатто “сўнгги қўнғироқ”қа кийиб борилган кийим-бошлар ҳам ўтмайди: ҳаммаси янги бўлиши керак эмиш. Бу либосларга — ижарага олган тақдирингизда ҳам — юз минг сўм атрофида пул кетади. Лекин бу харажатларнинг бошланиши, холос. Аллақайси маҳобатли ресторанда ўтадиган “битирув оқшоми”га яна шунчадан йиғиш керак. Йиғмай ҳам кўринг-чи, ахир фарзандингиз тўққизинчи синфни битираяпти!

Битирувчи қизингиз бўлса, сартарош учун яна йигирма-ўттиз минг ажратиб қўясиз. Бунга кейинроқ яна “арзимаган” харажатлар қўшилади: видеочи учун йиғ, фотосуратчи учун йиғ, ресторанда қўшимча буюртмалар учун йиғ...

Энг ғалати томони, бундай битирув ошқомларида ўқитувчилар, мактаб раҳбарияти ҳам иштирок этмоқда. Фаол ота-оналар эса эшик олдида навбатчилик қилиб туришади.

Бир нарсага ҳайронмиз: нима, мактаб раҳбарияти ёки битирувчиларнинг устозлари ўз ўқувчиларини ресторанда катта дастурхон ёзиб, улкан зиёфат уюштириб берган, қиммат-қиммат совғалар тақдим этган ўқувчилар сифатида ёдларида сақлаб қолишлари керакми? Аксинча, ҳақиқий устоз “фалон йилги битирувчилардан фалончи чикди, у ўз истеъдоди билан бутун мактабимизнинг фахрига айланди” қабилида мақтаниб юрмайдими?

Қадрли устозлар, бу сизларга асло ақл ўргатиш бўлиб туюлмасин, аммо мен тез-тез бир нарсани эслаб тураман: биз ўқишни битирган йилимиз мактабимизнинг “Тирик бурчаги”га қуён, кутубхонага эса анча-мунча бадиий китоблар совға қилгандик. Ҳамон эсимда: совға қилинган китобларни кутубхоначимиз битталаб кўриб чиққанди, айримларини “болаларга мос эмас экан” деб қайтарганди ҳам. Балки бугун ўшандай анъаналарни қайта тиклаш вақти келгандир. Ахир мактаб, ўқитувчи учун яхши китобдан ортиқроқ яхши совға борми?

Яна бир гап. Биз болаларни авайлайлик, болаларни қадрлайлик. Зеро, бу дунёда истеъдодсиз, салоҳиятсиз бола бўлмайди. Фақат қулай муҳит, шароитгина боладаги иқтидорнинг юзага чиқишига кўмаклашади. Шундай экан, биз мактабларимиздан зиёфат уюштиришга уста, сахий битирувчилар эмас, ҳақиқий иқтидор эгаси бўлган битирувчилар чиқиши учун хайрихоҳ бўлайлик. Ишонаверинг, баъзан битта Истеъдод бутун миллатни, халқни дунёга танита олиши мумкин. Табиийки, бундай иқтидор халқнинг бебаҳо бойлиги, устозларнинг эса фахридир.

Бугун сўнгги қўнғироқ чалинади. Байрам, албатта. Аммо бу байрам “кимўзар” томошаси авж олиб кетишига хизмат қилмаслиги керак.

Биласизми, азиз муаллимлар, мен нимани орзу қиламан? Мактабни фақат “аъло” баҳоларга битирган ўқувчилар сўнгги қўнғироқ байрамининг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлиб қолишини. Бундай ўқувчиларни гулларга кўмиб ташлайлик... Ахир улар бунга муносиб. Ахир аслида айнан шундай ўқувчилар мактабнинг ғурури, фахри. Токи ўқувчилар, ота-оналар “битирув оқшоми”нинг маҳобатига эмас, “аълочи”ларнинг иззат-ҳурмати, обрўсига маҳлиё бўлишсин...

К. ҚУРБОНОВА.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши
Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.
Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)
Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ.
Навбатчи — Гулом ХИДИРОВ.
«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200
Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 500. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9657.
Босишга топириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 20.45
1 2 4 5
ISSN 2091-5217

www.adolat.uz *сайти саҳифаларида*:

- Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати ҳақида барча маълумотлар: асосий вазифалари, кадрлари ва ташаббусларидан хабардор бўлишни истасангиз, "Матбуот хизмати" саҳифасига ташриф буюринг!
- Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидан ҳикоя қилувчи информацион, таҳлилий-танқидий мақолалар, энг намунали ва нофаол қуйи ташкилотлар ҳақидаги материаллар "БПТ" саҳифасида жамланган.
- Жаҳон социал-демократик партиялари расмий сайтларининг аниқ манзилларини ҳам фақат биздан топасиз!